Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 21 октябрь, якшанба
№ 241 (5.034).
БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ИСПАНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Испания қироли Хуан Карлос 1 нинг таклифига биноан 1990 йилнинг 26 октябрида Испанияга расмий ташриф буюриб, у ерда 28 октябргача бўлади.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

М. С. Горбачевнинг ССЖИ Олий Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

ССЖИ Олий Кенгашининг топшириғига мувофиқ «Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари» сизларга тақдим этилди.

Қийин изланишлар жараёни ниҳоясига етмоқда. Бугун биз ягона йўлни танлаб олишимиз керак. Бу масалани ҳал қилишни ортиқ пайсалга сола олмаймиз. Ушбу ҳужжатнинг энг муҳим йўналишлари, умумий мантиқи сентябрь ойида мен сизларга тақдим этган дастурдагига ўхшашдир. Шу билан бирга бунда ССЖИ Олий Кенгаши комитетлари ва комиссияларининг, халқ депутатларининг мулоҳазалари имкони борича ҳисобга олинган.

Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар тақдим этган мулоҳазалар, жумҳуриятлар Олий Кенгашларида бўлиб ўтган муҳокамаларнинг якунлари, матбуот материаллари пухта ўрганиб чиқилди. Сўнгги вақтда ишчилар ва деҳқонлар, маданият арбоблари, хўжалик, партия ва касаба уюшмалари ходимлари билан ўтказилган учрашувларнинг натижалари ҳисобга олинди.

Ҳужжат жумҳуриятлар Президентлари ва Олий Кенгашларининг раислари, Москва шаҳар Совети ва Ленинград шаҳар Совети раислари билан муҳокама қилингандан сўнг жиддий равишда қайта ишланди. Асосий йўналишларни тайёрлаш чоғида сўнгги даврдаги янги ҳодисалар ва жараёнларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келди.

Кўпмиллатли давлатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш, чуқур ўзгартишлар ютуқларининг ифодаси бўлган иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг декларациялари ҳокимиятнинг барча даражаларида қонунчилик фаолиятига қудратли туртки бўлди. Бироқ умуман ижобий ҳисобланган бу жараёнда камчиликлар бўлмай қолмади ва бундай камчиликлар ҳозир ҳам бўлмоқда. Бу аввало ижроия ҳокимияти фаолиятига тааллуқлидир.

(Давоми иккинчи бетда).

КОММУНИСТИК

ЗАФАРНОМА

Свердлов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари эрта баҳорда яхши ният билан 1.620 гектар ерга барака уруғи қадашганди. Зўр меҳнат эвазига жами майдонда нафақат режани, балки мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланди. Уни йиғиштириб олиш тадбирлари эса уюшқоқлик билан ўтказилди. Жамоа аҳли қисқа муддат ичида қабул пунктига 4.650 тонна пахта топшириб, зафар қучди. Ҳосилдорлик 29 центнерни ташкил этди. Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган пахтакор Комил Қўлдошев, Вячеслав Ким етакчилик қилаётган бригадаларда бу кўрсаткич 32 центнерга етди.

Бу йил ҳам машиналар хирмонга барака киритдилар. Далаларда 18 та агрегат укумли ишлатилди. Беллашувда И. Исоқов, Х. Исмоилов, С. Полина, И. Сиддиқова каби дала гвардиячилари байроқдорлик қилдилар. Уларнинг ҳар бири бугунгача бункердан 120—170 тонна пахта тўкди.

АНДИЖОН

«Ямбол» давлат хўжалиги заршунослари бир неча кундирки, мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Жамоада 1.925 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан, 5400 тонна оқ олтин йиғиштириб олинди. Маррани районда биринчилар қаторида эгаллаган Одилжон Зираков, Мадаминжон Юсупов бошқараётган бўлимлар, Ҳайдарали Отабоев, Машраб Еқубов, Каримжон Мўминов, Козимжон Абдулҳаев, Абдуқаҳҳор Каримов бошлиқ бригадаларда энг юқори кўрсаткичга эришилди. Абдулҳамид Дармонов, Шавкат Дадабоев, Ҳусанбой Мансуров сингари механизаторлар эса пўлат этаклардан 135—150 тонна хом ашё бўшатдилар.

Андижон пахтачилик илмгоҳининг ўқув-тажриба хўжалиги ва «Ленинград» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам йиллик режани барвақт уддаладилар. Бу жамоаларда мутаносиб равишда 400 ва 3760 тонна оқ олтин тайёрланиб, қабул пунктларига топширилди.

ВОБКЕНТ

Тельман номли жамоа хўжалиги меҳнат аҳли йиллик маррани районда биринчилар қаторида забт этишди. Улар Ватанга 2.811 тонна ўрнига 2.820 тонна пахта ҳадя қилдилар. 979 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан, 5400 тонна оқ олтин йиғиштириб олинди. Машиналар ёрдамида саранжомланди.

— Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан бу йил тегирилган пахтага ошрилган нархда ҳақ тўлангани айни муддао бўлди,—деди бошқарув раиси А. Йўлдошев. — Аввалгри раҳбарлар ва мутахассислар уйма-ўй юриб, одамларни йиғим-теримга чақириш билан овора бўлишарди. Жорий йил мавсумида биз бутун диққат-эътиборни теримчилар ва механизаторга қулай шароит яратишга, қолибларни ҳам яхшилаб, ҳам маънавий рағбатлантиришга қаратдик. Бу ҳол ўз самарасини берди. Эндиги ният: ҳосилдорликни 38 центнерга етказиш. Ўшанда ялпи хирмон салмоғи ҳам, даромад ҳам кўпаяди.

Райондаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам зафар қучишди. Хирмонга 4.085 тонна оқ олтин етказиб берилди. Ҳосилдорлик 33 центнерни ташкил этди. Ялпи хом ашёнинг 630 тоннаси механизаторлар ҳиссасига тўғри келди. Меҳнат муваффақиятига ССЖИ давлат мукофоти соҳиби Саври Ҳафизов, Ғайбилло Мажидов, Баҳриддин Жамолов, Тоир Олимов бошлиқ бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар. Бу жамоаларда ҳар гектар ердан 38 центнердан хирмон кўтарилди.

Меҳнат аҳли яна 420 тонна пахта тайёрлаш, ҳосилдорликни 36 центнерга етказиш йўлида ғайрат кўрсатаяпти.

ПАСТ ДАРҒОМ

«Прогресс» давлат хўжалиги заршунослари қабул пунктига 6.000 тонна пахта топшириб, маррадан ўздилар. Унинг қариб ҳаммаси машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Бунда Нормамат Идрисов, Фарҳод Нафасов, Отабой Очилов сингари суворийларнинг ҳиссаси катта. Улар ўз агрегатларини тўла қувват билан ишлатиб, 170—180 тоннадан пахта териб топширдилар.

Хўжалик директори Нарзиқул Эшонқуловнинг айтишича, далаларда ҳали ҳосил чўғи баланд. Шу боис пахтакорлар зўр меҳнат эвазига етиштирилган пахтанинг бир миқолини ҳам нест-нобуд қилмасдан саранжомлаб олиш, режани 150 фоиз адо этиш иштиёқида йиғим-терим суръатини сусайтирмаяптилар.

ТУРТКУЛ

Димитров номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ғалаба ҳужжатига биринчилар қаторида имзо чекишди. Ҳар гектар майдондан гектар ҳисобига 28 центнердан пахта тайёрланди. Ялпи ҳосилнинг 80 фоизидан эиёди бункерлардан тўкилди.

Аминбой Рўзимов, Буважон Сейитов, Жуманиёз Хўжанов, Бахтиёр Қурбонов бошлиқ бригадаларда энг юқори кўрсаткич қўлга киритилди. Бу жамоаларнинг заршунослари ҳосилдорликни 30—38 центнерга етказдилар. Бибижон Исмонлова, Тожибой Каримов, Файзулла Ибодуллаев, Жумагул Боймаҳанова, Онажон Ибодуллаева етакчи бўлган оилавий звеноларда эса йиллик режа 120—180 фоиз уддаланди.

Механизаторлар ўртасида ташкил этилган мусобақада Абдулла Ҳалиллаев, Йўлдош Бекиев, Жуманазар Романов, Рустам Аллабергенов ва Жумабой Матчонов байроқдорлик қилдилар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 160—200 тонналик хирмон уйди.

Йиғим-терим давом этмоқда. Заршунослар режага қўшимча 500 тонна пахта топширишга сўз беришган.

Турғун Аҳмедов номли давлат хўжалиги пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик режасини Сирдарё вилоятининг Комсомол районида биринчи бўлиб бажардилар. 3.500 гектар майдондан 7.200 тонна оқ олтин йиғиштириб олинди. Бунда Сайфулла Маматқулов бошлиқ бригаданинг механизаторлари Абдулла Ҳасанов ва Сайфи Тўйчиевнинг ҳиссаси катта. Бу суворийлар ҳозиргача 120—140 тоннадан хирмон ушди. Қўл теримида эса П. Сатторова ва О. Сатторова ўрнак кўрсатишаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор чеварлар П. Сатторова ва О. Сатторова. 2. Бригада бошлиғи Сайфулла Маматқулов, механик-ҳайдовчилар Абдулла Ҳасанов ва Сайфи Тўчиев дам олишмоқда.

А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

Халқлар дўстлиги—парламентлар дўстлиги

ТАБИАТ: МУШТАРАК ДАРДЛАР, ТАШВИШЛАР, УМИДЛАР

ЎРТА ОСИЁ ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ШУНДАЙ ФИКР БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ЭДИ

Тошкентда йиғилган халқ депутатлари бугунги кунда куч-ғайратларимизни фақат иқтисодиёт ва сиёсатдагина эмас, айни вақтда экология муаммоларини ҳал этишда ҳам жипслаштиришимиз талаб этилади, деган фикрга якдиллик билан қўшилишди.

Қўшни жумҳуриятларнинг қонун чиқарувчи олий идоралари ташкил этган экология қўмиталари (комиссиялари) раҳбарларининг учрашувлари ҳам мазкур муаммоларнинг аниқ йўналишлари ва уларни ҳал этиш чораларини аниқлаб олишга бағишланганди.

Бу ўринда шундай учрашувлар имкониятини очган ҳамда унинг самарадорлигига кафолат берган асос ҳақида ҳам айтиш лозим. Бу — Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарлари тузган иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимдир.

Эслатиб ўтамиз: бу йил ёз фаслида Олмаота шаҳрида қабул қилинган ҳужжатда қўшни жумҳуриятларнинг жуда катта имкониятларидан уларнинг анъанавий сиёсий, иқтисодий, маънавий алоқаларига, ҳудудий ва табиий шароитларнинг муштараклигига асосланиб, кенг фойдаланиш хусусида гапирилган эди.

Зотан, қўшничилигимизнинг ўзи бу соҳадаги ҳамкорликнинг аниқ мақсадларини белгилаб беради. Бир дарёдан сув ичаётган ерларимизнинг яқинлиги ва ўхшашлигини чегаралар билан ажратиш мумкинми, ахир? Бизнинг қувончларимиз ҳам, кулфатларимиз ҳам муштарак. Чунончи, Каспий денгизидан Помир тоғларигача чўзилиб кетган бутун минтақамиз Орол денгизи йўлиққан фалокатни ўзида ҳис қилди.

Бинобарин, ана шу яқинлик ҳамкорлигимиз асосларини ҳам белгилайди.

Парламентлар Тошкент учрашувига табиатнинг ҳақиқий билимдонларини, бинобарин бепоён ўлканинг ўзига хос хусусиятлари билан шунчаки таниш бўлмаган, балки аниқ ғоялар, режалар, лойиҳалар билан ўртоқлашишга тайёр кишиларни вакил қилиб юборди. Бу эса мунозараларга амалий руҳ берди, муштарак йўлни ишлаб чиқишга имконият яратди.

Бу нарса мустақил давлатларнинг чегарадош ҳудудлари табиати тўғрисидаги декларация деб аташ мумкин бўлган резолюцияда акс эттирилган. Энди унинг асосий қоидаларига эътибор беринг:

— табиий ресурслари ушбу ҳудудда яшаётган халқлар тасарруф этадилар;

— табиий ресурсларни сақлаш, уни қайта тиклаш ва оқилона фойдаланишнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш зарур;

— жумҳуриятлар ҳаво ҳавзасининг булғанишини ҳамда қўшни жумҳуриятлардан келадиган оқава сувларнинг йўлини тўсишга кафолат беради.

Ана шу учта бандда ўзаро ҳамкорлик ҳам, ўзаро масъулият ҳам акс эттирилган. Чунончи, резолюциянинг кейинги сатрларида, зарурат туғилганида чегарадош ерларда сувларни ҳамда ҳаво ҳавзасини булғайдиган халқ хўжалиги иншоотларини экологик текширишдан ўтказишга ваколат қилинган жумҳуриятлараро комиссия тузилиши назарда тутилади.

Бундай текширишларни лойиҳалаш босқичида ҳам — пайдо бўлиши ёки фаолиятини қўшни жумҳуриятларнинг чегарадош ҳудудлари сезиши мумкин бўлган иншоотларни қуришга киришиш хусусида биргаликда келишиб олинганидан кейингина амалга қўлланиш мумкин.

Парламентлараро учрашув ҳамкорликка асос солди, у ривожлантирилади, такомиллаштирилади, самара берадиган бўлади. Ҳамкасблар қабул қилган дастлабки ҳужжатдаёқ етилган муаммоларни ҳал этишнинг аниқ-равшан йўллари чизиб берилган.

Қуйидагилар тавсия этилади:

— ахборот-норматив, маълум бир мавзудаги, экологик хариталарни ишлаб чиқиш шарти билан ягона экология-ахборот системаси (мониторинг)ни вужудга келтириш;

— минтақанинг чегарадош ерларида табиатни муҳофаза қилишнинг бир туркум ҳудудий чизмаларини ҳамда табиатдан фойдаланишнинг ягона иқтисодий омилини жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш;

— заҳарли кимёвий моддалар ва заҳриқотиллар қўлланишини қисқартириш дастурини тайёрлаш — 1995 йилда улардан халқ хўжалигида фойдаланишни бутунлай тўхатиш;

— экологик тарбия, таълим, экологик билимларни тарғиб қилиш туркум дастурини белгилаб олиш.

Парламент аъзоларининг фикрича, норматив ҳужжатлардан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиш, фан-техника тараққиёти манфаатларини кўзлаб фаолиятни мувофиқлаштириш масалалари Иттифоқ идоралари зиммасида сақланиб қолади.

Учрашув қатнашчилари бутун мамлакатимиз, бутун жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортаётган бир қанча муайян вазиятларга нисбатан ўз муносабатларини белгилаб олдилар. Улардан бири Орол денгизининг тақдирига тааллуқли: «Биз Орол денгизини сақлаб қолиш ва унинг ҳавзасидаги экологик муҳитни соғломлаштиришга бағишланган халқаро анжуман резолюциясига тўла қўшиламиз». Айни вақтда, Балхаш, Иссиқкўл ва бошқа ички сув ҳавзаларини сақлаш зарурлиги тўғрисида ҳам фикрлар айтилган.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни тежашдан иш бошлаш кераклиги табиийдир. Лекин биргина тежамкорликнинг ўзи етарли эмас... Учрашув қатнашчилари шундай деб ўйлайдилар: минтақа сув ресурслари ўрнини тўлдиришга тўғри келади ва яна Сибирь дарёси Ўрта Осиё ва Қозоғистон билан баҳам кўриши мумкин бўлган дарё сувларининг бир қисмини минтақага олиб келиш муаммоси олға сурилади. Ўз-ўзидан маълумки, бу ишни яхши ва пишиқ-пухта ўйланган техникавий ҳамда иқтисодий ечимлар асосида амалга ошириш зарур.

...Резолюцияни Ўзбекистон ССЖ, Қозоғистон ССЖ, Қирғизистон ССЖ, Тожикистон ССЖ парламентларининг аъзолари имзоладилар, ана шу даврда бошқа тадбирларда иштирок этган Туркманистон ССЖ парламентининг аъзолари ҳам ушбу ҳужжатга мутлақо рози эканликларини изҳор қилдилар. Шундай қилиб, беш қўшни жумҳуриятнинг экология соҳасидаги самарали ҳамкорлигига асос солинди.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

ЯНА БЕШ ЦЕНТНЕРДАН

Бу йил Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги пахтазорларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Меҳнат аҳли теримни қулай муддатларда бошлаганди. Уюшқоқлик, кўтаринки кайфият ишнинг муваффақиятини таъминлади. Колхоз районда ҳаммадан аввал зафар маррасини эгаллади. Қабул пунктига 2.523 тонна сифатли дурдона топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 25,2 центнерни ташкил этди. Жами тайёрланган хом ашёнинг 90 фоизидан эиёди биринчи сортга ўтди.

— Куз яхши келди, қолаверса, жумҳурият ҳукуматининг терилган пахтага юқори ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарори долзарб мавсумда ҳал қилувчи омил бўлди, — дейди бошқарув раиси Э. Аҳадов. — Бизда ҳам қўлда саранжомланган ҳар килограмм оқ олтин эвазига 25 тийин, машина бункеридан бўшатилган бир тоннага 20 сўм ҳақ берилди. Бу теримчи ва механизаторларнинг ғайратини оширишга, улар ўртасида ўзаро мусобақани авж олдиришга катта имкон яратди. Шунингдек, тармоқда пудрат кенг жорий этилгани қўл келди. Жами пахтазор 365 та оилавий звенога шартнома асосида тақсимланган. Пудратчилар ҳар бир агротехник тадбирни вақтида, сифатли бажаришга интилишди. Натижа барчанинг кўз ўнгида: йиллик топшириқ октябрь бошларидаёқ уддаланди.

Чиндан ҳам хўжаликда йиғим-терим аввалги йиллардагидан ўзгача тусда ўтаяпти. Дастлабки кундан бошланган меҳнат беллашуви ҳамон қизғин давом этмоқда. Жорий мавсумда механик-ҳайдовчиларнинг шижоатлари айниқса яққол сезилиб турибди. Улар ишнинг оғирини ўз зиммаларига олиб, мавжуд 25 та зангори кемани тўхтовсиз ишлатдилар. Кун сайин суръатга суръат қўшилиб, хирмонга барака кирди. Пировардида ҳосилнинг асосий қисми пўлат этаклардан бўшатилди. Машина теримни режаси 25 сентябрдаёқ адо этилганди. Раҳмон Кўбаев, Бўта Тоштемиров, Ражаб Бойжигитов, Диёр Синдоров, Шариф Умрзоқов каби суворийлар ҳозиргача агрегат бункеридан 100—130 тоннадан дур тўкдилар.

Бу йил кўпмингкилограммчилар ҳаракати ҳам кенг қулоч ёйдирилди. Теримнинг қизғин кезларида салкам 700 киши белга этак боғлаб пахтазорга чиқди. Малоҳат Иброҳимова, Шарофат Маҳкамова, Ҳолжон Абдураҳмонова, Шарофат Абдуғаффорова ва бошқа ўнлаб чеварлар шахсий мажбуриятларини аллақачон ошириб бажардилар. Бугунга қадар ҳар бирининг ҳисобига 10—12 тоннадан пахта ёзилган.

Жорий мавсумда юқори ҳосилли жамоалар сафи янада кенгайди. Коммунист Турсун Ёлғошев бошлиқ бригада биринчи бўлиб зафар қучганди. Ҳосилдорлик гектар бошига 32 центнердан тушди. Эндиги мақсад — бу рақамни 40 центнерга етказиш. Ўтаган Очилов, Маман Ёдгоров, Одил Муҳаммадиев, Урол Назаров, Ўктам Шарипов саркорлик қилаётган бригадалар ҳам илғорлар қаторида довон ошишганди, айни пайтда 38—40 центнерлик маррани кўзлашаяпти.

Колхоз бир неча кундан бери социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё топширмоқда. Заршунослар ҳар гектар ердан яна беш центнердан пахта саранжомлаб, режадан ташқари 500 тонна оқ олтин тайёрлашга қарор қилишган. Пайкаллардаги ҳосил чўғи, мавсум иштирокчиларининг ғайрат-шижоати ваъда яқин кунлар ичида бажарилишидан далолат беради.

Э. ИСМОИЛОВ.

Фарғона Ҳосилова Қизилтепа районидаги «Еш ленинчи» жамоа хўжалигининг теримчиси. У мавсумда 10 тонна пахта теришга сўз берганди. Ҳозиргача уйган хирмони 8 тоннадан ортди.

СУРАТДА: пешқадам чеварлар теримчи Фароғат Ҳосилова.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ПАХТАЗОРДАН ХАБАРЛАР

ИЖАРА ТЕЖАМҚОРЛИККА УРГАТМОҚДА

Қўрғонтепа ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг Зуҳриддин Темиров бошлиқ бригада пахтакорлари деярли 70 минг сўм мукофот пули тўпладилар. Бу ўтган йилдагидан бир ярим баравардан зиёд кўпдир. Деҳқонлар пахта тайёрлаш давлат режасини бажариб, энди 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнер ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Илгари бу бригада қолоқ ҳисобланарди. Хўжаликнинг бош агрономи З. Темиров ўзининг шу жамоага юборилишини бошқарувдан илтимос қилди. Бу ерда дастлаб, қисман, кейинроқ тўла хўжалик ҳисобини жорий этди. Одамлар ўз хатоларининг иш ҳақига таъсир қилаётганлигини ҳис эта бошладилар. Ўтган йили эса ерни ижарага олдилар.

— Деҳқонлар сарф-харажатларни камайтириб, ҳосилдорликни оширишнинг самарали йўлларини излай бошладилар, — дейди бригада бошлиғи. Бутун майдон ўн икки ижарачига тақсимлаб берилди. Улар ҳеч қандай буйруқсиз мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳосилнинг 70 фоиздан кўпроғини машиналар ёрдамида териб олишди. Ижарачилар Достон Рустамов, Неъмат Юсупов, Ҳаким Шокиров, Жумабой Менднев ҳар гектар ердан ҳозирнинг ўзидаёқ 30 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб олдилар.

МАШИНАЛАР ЯХШИ ИШЛАСА

Фрунзе ноҳияси механизаторлари машинада пахта териш бўйича Фарғона вилоятида энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар режани 120 фоиз бажардилар. Механизаторлар ўз машиналари ёрдамида 25 минг тоннадан знёд — бутун ҳосилнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғини териб олдилар. Ҳар бир агрегатда ўртача 110 тоннадан пахта терилди. Айниқса «Коммунизм», «Сирдарё», Охунбобоев номли давлат хўжаликларининг, Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг механизаторлари яхши меҳнат қилишди.

Кўпгина хўжаликларнинг ижара пудратига ўтиб ишлагани ва иш ҳақининг оширилиши муваффақият қозонишга ёрдам берди. Ноҳия хўжаликлари вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга пахта топшириш режасини бажардилар. Лекин терим ҳали давом этаяпти — қабул пунктларига ҳар куни машинада терилган уч минг тоннадан кўпроқ пахта жўнатилмоқда.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Фақат Иттифоқ ҳукуматигина эмас, жумҳуриятларнинг ҳукуматлари ҳам марказдан четлашиш тамойилларининг салбий оқибатларига дуч келаётганлигини биламиз, кўп ҳолларда улар изчил иқтисодий сиёсатни ўтказишга ва хўжалик ишларини амалга оширишга қодир бўлмаётирлар. Бунинг оқибатида ҳокимият органлари бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қилмоқда, номутаносиблик, иқтисоднёт ва ижтимоий турмушдаги ажралишнинг кучайиши сабаблари ҳам мана шундадир. Бунга бир мисол. РСФСР ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашдаги тангликни бартараф этишга ҳаракат қилиб, чорва моллар ва паррандалар харид нархини бир томонлама оширмоқда.

Бундай қарор Россия Олий Кенгаши бунгача қабул қилган «500 кун» дастурига зиддир, бу дастурда харид нархлари ва улгуржи нархларни оширишни бекор қилиш тўғрисидаги қатъий талаблар ёзиб қўйилган. Бундай муҳим иш бошқа жумҳуриятлар ва марказ билан маслаҳатлашмай қилинган ижобий силжишлар йўққа чиқмоқда.

Бундай вазият умуман улгуржи нархларда ҳам юз берди. Маълумки, ҳукумат май ойида янги прейскурантларни корхоналарга етказган эди. Корхоналар прейскурантнинг ваъда қилинган даражада оширилишини кутиб келгуси йил учун амалда хўжалик шартномалари тузмадилар. Хўжалик алоқаларининг оммавий узилиши хавфи чинакам тус олди. Ана шундай шароитда энди Президент вазият тазйиқи билан маълум икки Фармонни қабул қилишга мажбур бўлди.

Натижада, ўртоқлар, шундай бўлдики, бозорга ўтиш дастурини ишлаб чиқиш босқичида, молиявий аҳволни соғломлаштириш ва сўмни мустаҳкамлаш юзасидан бирор муҳим қадам қўймай туриб биз пулнинг қадрсизланишига йўл очиб бердик. Бу сизларга тақдим этилган ҳужжатнинг мантиқи ва мазмунига таъсир қилди.

Сўнгра мен бозорга ўтиш умумиттифоқ дастурини муфассал ишлаб чиқишдан нима учун воз кечганлигимизни, асосий йўналишларни тақдим этганлигимизни далиллар билан исботлаб бермоқчиман.

Сентябрь ойидаёқ Олий Кенгашда муҳокама қилиш чоғида дастурни кунларга қараб ҳисоблаб чиқилган график-режани ишлаб чиқишни вазифа қилиб қўймаслик тўғрисида гапирилган эди. Биринчидан, бу реал бўлмайди. Иккинчидан — бу эса энг муҳими — жумҳуриятлар, корхоналар, меҳнат жамоалари учун, ҳамма учун бу ерда, Москвада ҳаммасини олдиндан ҳал қилиб қўйиш хато бўлур эди. Ҳаётий жараёнларни бир андазага солинса, нима бўлишини яхши биламиз. Кўпгина жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларида ҳам шундай хулосага келишди. Федерация кенгашининг яқинда бўлган мажлисида ҳам ҳужжат муфассал режага айланмаслиги, балки асосий йўналишлар тусида бўлишини якдиллик билан маъқуллашди.

Жумҳуриятлар ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини мумкин қадар тўла ҳисобга олиб, бозор томон ҳаракат қилиш стратегияси белгилаб берилган ҳужжат зарур. Жумҳуриятларда ва жойларда ўз хусусиятларини ҳисобга олиб, кенг ташаббускорлик кўрсатиш учун шарт-шароит яратиб, умумий қоидалар ва йўлларни баён қилиб бериш яхшироқдир. Умумиттифоқ раҳбарлиги талаб қилинадиган соҳаларда эса (булар аввало, пул, молия, кредит ва валюта сиёсати, фуқароларнинг асосий ижтимоий кафолатлари, структура сиёсати, бошқарувни Иттифоқ даражасида қайта ташкил этишдир) бир хил, аниқ ва муайян йўл бўлиши лозим.

Умуман гап Президент, ҳукумат келишилган умумий қоидаларга таяниб, ўзларига берилган ваколатлардан оператив фойдалана олишлари ҳақида бормоқда. Жумҳуриятлар эса ушбу умумий йўналишлар доирасида барқарорлаштириш ва бозорга ўтишнинг ўз дастурларини қабул қилиш ва уларни марказнинг зарур ёрдами ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш асосида амалга ошириш имкониятини оладилар. Қисқача кириш тарзида ана шуларни айтмоқчи эдим.

Энди яна бир бор бозор тўғрисида.

Ҳаётнинг ўзи бизни бозор иқтисодиётига ўтишга олиб келди. Тушунтириб бераман. Биз туб иқтисодий ислоҳот йўлига ўтдик, чунки маъмуриятчилик-буйруқбозлик системаси бутун жамиятни, одамларнинг, меҳнат жамоаларининг ишини бўғиб қўйишини тушундик. Бизда ҳукмрон бўлган иқтисодий турмушнинг шакллари, мулкчилик муносабатлари инсоннинг ташаббуси ва омилкорлигини бўғиб келди.

Октябрнинг дастлабки шиорларига яна қайтиш, инсоннинг иқтисодиётга хўжайин, асосий куч сифатида қайтиши йўлини топиш лозим эди. Айни шу зарурат бизни иқтисодий ислоҳотнинг марказий бандларига, мулкчилик муносабатларини қайта қуриш зарурлигига, одамларни ишлаб чиқариш воситаларининг хўжайинига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг эгасига айлантириш зарурлигига олиб келди. Хўжайинларга эса буйруқ бериш мумкин эмас, улар учун иқтисодиётнинг субъектлари тарзида ҳаракат қила оладиган бошқача иқтисодий муҳит зарур. Ана шундай муҳит — тўла маънодаги бозордир. Биз иқтисодий эркинлик орқали бозорга, бозор билан боғлиқ бўлган муносабатларга мантиқан бормоқдамиз.

Бозорга ўтиш истиқболи келтириб чиқарган чўчишлар ҳақида бир неча оғиз гапирмоқчиман. Менимча, бу соҳада реалистик мавқеда турмоқ лозим. Бу жўн жараён эмас. Иқтисодиёт структурасини қайта қуришга, уни инсон эҳтиёжларига қаратишга, меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартиришга тўғри келади.

Чамаси, айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, чунки кўпгина маҳсулотлар шунчаки кераксиз бўлиб қолади. Текисчиликка, қарамликка ва яна бўйруққа асосланган иқтисодиётдаги хўжасизликдан фойдаланиб қолиш имкониятларига қўникиб кетган кишиларга қийин бўлади.

Одамларнинг бозор иқтисодиётининг қандай бўлишидан хавфсираётганликлари тушунарли ва табиийдир. Биз ҳеч қачон чинакам бозор муҳитида яшаган эмасмиз, бозор тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳаддан ташқари нотўғри. «Чайқов бозори», чайқовчилар, колхоз ва кооператив бозорлари нималигини яхши биламиз. Давлат савдосининг бўм-бўш бозорини, истеъмолчининг сўмлари учун маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати бўлмаган, истеъмолчининг эҳтиёжларини яхшироқ қондириш учун беллашув бўлмаган рақобатсиз, монополияга айлантирилган бозорни биламиз.

Бу ерда рақобатнинг оёғи осмондан қилиб қўйилган. Одамлар кимларнингдир айби билан тақчил бўлган моллари харид қилиш учун соатлаб навбатда туриб, бирбирлари билан рақобат қиладилар. Бу эса яширин иқтисоднёт, чайқовчилик, порахўрлик, ўғирлик, жиноятчилик учун жуда бой муҳит яратади. Буларнинг ҳаммаси талаб кучайган шароитда ҳунук тус олади. Бинобарин биз бошлаётган туб ислоҳотлар — бозор муносабатлари йўлидаги сунъий ғовларни олиб ташлаш — соғлом рақобатнинг вужудга келишига, пештахталарни тўлдиришга, техника тараққиётини жадаллаштиришга, юқори сифатли янги моллар мунтазам чиқишини таъминлашга кўмаклашади.

Ишлашни биладиган, одамлар учун зарур маҳсулотни ишлаб чиқаришга қодир бўлган барча кишилар, жамоалар учун бозорга ўтиш — фаровонликни ошириш йўлидир, ўз қобилиятларини, омилкорлигини, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун кенг йўлдир.

Ҳозир мамлакат бошидан кечираётган жиддий иқтисодий қийинчиликлар олдида баъзи бировлар: маъмуриятчилик-буйруқбозлик системасидан воз кечиб, шошилмадикми, деган фикрни айта бошладилар.

Бой табиат ресурсларимизни бундан кейин ҳам талон-торож қилиб, маъмуриятчилик-буйруқбозлик системасининг умрини яна узайтириш, иқтисодий ривожланган мамлакатлардан тобора орқада қолишга тоқат қилиш, турмуш даражаси янада пасайишини яна неча йилларга чўзиш, ҳозирги тангликни яна бироз орқага суриш мумкин эди, албатта.

Лекин бу йўлда унинг олдини олиш мумкин эмасди. Мен буни рўй-рост айтишим керак. Соғлом фикрни менсимаслик, бозор каби умумий маърифий воситадан фойдаланишдан воз кечиш учун барибир жазони тортишга тўғри келар эди. Ҳозирги пайтда ўтиш даврининг чинакам қийинчиликларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, халқни орқага қайтишга даъват этаётган кишилар мамлакатни тарихан боши берк кўчага олиб киришга қодирдирлар, холос.

Мулкчилик ва ер тўғрисида икки оғиз сўз. Иқтисодиётни ёппасига давлат ихтиёрига олишнинг умри тугаганлиги мутлақо тушунарли. Бу жуда муҳимдир. Мулкка муносабатни қандай йўл билан ислоҳ қилиш, мулк шаклларининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилигига қандай қилиб ўтиш масаласи эса ўткир масала бўлиб қолмоқда.

Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги, бунда ана шу шаклларнинг ҳар биридан унинг имкониятлари энг кўп даражада намоён бўладиган соҳаларда фойдаланишга имкон бериши умумий қоида бўлиб, бу ҳақда Иттифоқ даражасида келишиб олиш мумкин. Биз аралаш иқтисодиётга бораётганлигимизни қайд этиш мумкин, деб ўйлайман.

Ҳақиқий вазиятга сезгирлик билан баҳо беришга асосланиб, замонавий ишлаб чиқариш шароитларининг ўзи, тарихий анъаналар, ижтимоий муҳит мулкчиликнинг ижтимоий шакллари — акционерлик, кооператив, жамоа мулклари устун бўлишини тақозо этаётганлигини фараз қилиш мумкин.

Ўз тажрибамизни ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб давлат мулкининг муҳим роли тўғрисида ҳам аниқ гапириш мумкин. Хусусий мулк рақобатга қобилиятли бўлиб, самара берадиган жойда у яшаш ҳуқуқига эга. Совет кишилари кўп авлодларининг меҳнати билан тўпланган мол-мулк кимнинг қўлига ўтиши тўғрисидаги масала одамларни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ташвишга солмоқда, биз бу мулкни хуфёна иқтисодиётнинг бир тўда корчалонларига тарқатиб юборолмаймизми — ана шу ташвишга солмоқда. Жамият буни мутлақо қабул қилмайди. Биз дастуримизни ишлаб чиқиш чоғида айни шунга асосландик.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга ошириладиган умумий қоида шундан иборатки, бу улкан иш меҳнаткашлар ўзларининг иштирокида, пировард натижада, уларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши лозим. Мулкчилик хилма-хил шаклларини ривожлантиришда жиддий равишда олга силжишнинг аниқ йўлларини эса жумҳуриятларда ва маҳаллий кенгашларда излашга тўғри келади.

Ерга эгалик азалий ва айниқса нозик масаладир. Бу соҳада кейин вужудга келган андозалар билан эмас, балки адолат тўғрисидаги илдиз отган тасаввурлар билан, чуқур миллий анъаналар билан ҳисоблашишга тўғри келади.

Ер муносабатларини қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш чоғида деҳқонни ердаги хўжайинга айлантиришга имкон берадиган йўлларни синаб кўриш керак. Ҳужжат ерда хўжалик юритиш шаклари хилма-хиллиги қоидасига асосланади.

Ерни мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод ижарага олишни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, бу усул хўжалик соҳасидаги ташаббускорлик учун кенг имконият яратади ва шу билан бирга ер участкаларидан ғайриқонуний фойдаланиш, чайқовчилик қилиш имкониятларини истисно этишга имкон беради.

Гап ишнинг умумий йўналиши тўғрисидагина бормоқда. Ер тўғрисидаги масалада ҳал қилувчи сўзни халқ айтиши керак. Бу ишнинг мутлақо муҳим соҳасидир. Лекин ер ислоҳоти самаралари келгуси йилдаёқ пайдо бўлиши учун жумҳуриятларнинг кучлари билан уларнинг қонунлари асосида ер ислоҳотини дарҳол бошлаш зарурлигига келганда эса бу ҳақда ҳеч ким баҳслашмайди, деб ўйлайман.

Ижтимоий онгимизда анча кенг тарқалган яна бир хавфсираш ҳақида. Бозор томон ҳаракат қилар эканмиз, социализмдан воз кечмаяпмизми?

Одамларимиз шу масалани ўртага қўяётганликларининг ўзи кўп нарсадан дарак беради. Барча бузилишларга қарамай, барча маҳрумликларга қарамай, халқимиз бошидан кечирган барча фожиали воқеаларга қарамай социалистик гоя одамларда яшамоқда ва у чуқур илдиз отган.

Одамлар «социализм» чиройли сўз бўлганлиги учун социалистик идеални қадрлаётганлари йўқ. Бу қадрлаш замирида ижтимоий адолат, тенглик, эркинлик ва демократия жамияти тўғрисидаги сингиб кетган тасаввурлар бор. Агар биз юқори самарали иқтисодиётни барпо этиб, уни инсонга қарата олсаккина, буларнинг ҳаммасини таъминлашга муваффақ бўлинади. Буни эса фақат бозор орқали амалга ошириш мумкин. Хуллас, биз социализмни оғизда эмас, балки чинакам мустаҳкамлашга интилмоқдамиз. Агар гап иқтисодий эркинлик, ташаббус кўрсатиш, бадавлат турмуш кечириш, шахснинг имкониятлари рўёбга чиқадиган шарт-шароитлар тўғрисида борса, ахир булар социализм идеалларига мос эмасми?

Сизларнинг кўриб чиқишингиз учун тақдим этилган ҳужжат — социалистик идеални амалда рўёбга чиқаришга қаратилган аниқ-равшан тадбирлардир. Социализм деганда казарма ва текисчилик кўзда тутилмаган тақдирдагина шундай бўлади, албатта.

Танлаб олган стратегиямизни ишлаб чиқиш босқичида ва айниқса уни амалга ошириш босқичида жамиятимиз тараққиётининг воқеликларини мунтазам билиб туриш ва ҳисобга олиш лозимлиги ҳақида нутқимнинг бош қисмида гапирган эдим. Бу ўринда биз чуқур ўзгартишларни бошидан кечираётган кўпмиллатли давлатда яшаётганлигимиз жуда муҳимдир. Жумҳуриятларнинг мустақиллиги ҳисобга олинмаса, ҳар қандай дастур барбод бўлишга маҳкум. Шу сабабли асосий йўналишларда бу мавзу марказий ўрин тутади.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги давр ўтмишдаги қаттиқ марказлаштирилган иқтисодиёт ва унитар давлатдан федератив давлатимиз янги яхлитлиги — мустақил жумҳуриятларнинг иттифоқига ўтишдир ва шундай бўлиши керак десам, фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман.

Бунда ҳақиқий маҳаллийлаштириш ва жумҳуриятлар мустақиллигини тан олишни барча давлат структуралари барбод бўлишидан, иқтисодиётда ва жамиятда бошбошдоқликдан ажратиб турадиган чегарадан ўтмаслик муҳимдир. Бу бизнинг умумий масъулиятимиздир.

Ушбу ҳужжатда ана шундай мутаносибликка эришишга муваффақ бўлинди, деб ўйлайман. Жумҳуриятларнинг кенг ҳуқуқлари, шу жумладан мулкчилик, нарх ва даромадлар, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бюджетни тузиш ва ундан фойдаланиш, кредит системасини ривожлантириш соҳаларидаги ва бошқа кўп соҳалардаги ҳуқуқлари биринчи марта умумиттифоқ даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Жумҳуриятлар иқтисодиётни давлат йўли билан бошқаришнинг ўз ёндашувларини ва аниқ-равшан ҳаракатлар дастурларини қабул қилиш ва амалга оширишга, энг муҳими эса — ўз ҳаракатларининг самарадорлиги ва тўғрилиги учун ҳалқ олдида жавоб беришга қодир бўлган тўла ҳуқуқли субъектлари бўладилар. Иттифоқда эса жумҳуриятлар томонидан бериладиган, Иттифоқнинг иқтисодий соҳаси бирлигини таъминлаш учун, хўжалик соҳасидаги кенг алоқаларнинг имкониятларидан, умумиттифоқ бозорининг ўзаро манфаатдорликка асосланган нафларидан фойдаланишни таъминлаш учун зарур бўлган ҳуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилади.

Пул, валюта ва кредит системаларининг бирлигини, бож сиёсатини таъминлаш бу марказнинг инжиқлиги эмас. Бу мамлакатимиздаги барча халқларнинг объектив манфаатидир. Айни шу сабабли бу соҳада империя зўравонлиги кўринишларини қатъият билан бартараф этиш мумкин ва лозим, барча жумҳуриятлар билан келишилган қарорларни қабул қилиб, уларни амалга оширишга ўтиш керак ва лозим. Чунки бозор халқларни қуролнинг хавфли кучи билан эмас, ишончли иқтисодий манфаатлар билан бирлаштиришга имкон беради.

Энди иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозорга ўтишга доир тадбирларнинг қандай изчилликда амалга оширилиши ҳақида. Тўла маънодаги бозор дастури қарор топиши учун бир қанча йиллар талаб қилиниши ҳаммага тушунарли бўлса керак, деб ўйлайман. Кўриб чиқиш учун тақдим этилган ҳужжат иқтисодиётни барқарор қилиш, бозорнинг асосий воситаларини яратиш каби энг қийин вазифаларни ҳал қилади.

Аслида гап ўтиш даври тўғрисида бормоқда. Бу ўринда ҳамма нарсадан кўра, кўпи билан бир яримикки йил ичида молияни тубдан соғломлаштириш, пул системасини барқарор қилиш, сўмни мустаҳкамлаш муҳимдир. Шу асосда пулнинг қадрсизланиши жараёнларини назорат қилишни, нархни эркин қилиб қўйишни, иқтисодий манфаатдорлик шароитини яратишни, бозорнинг ўзини ўзи бошқариш воситаларини ишга солишни таъминлаш муҳимдир. Бу соҳада биз ғоят қатъиятли бўлишимиз керак. Акс ҳолда биз қилаётган ишларнинг ҳаммаси пучга чиқади.

Ҳозирги даврда бозор стихияли нарса эмас, тартибсизлик эмас. Бутун дунёда бозор бошқариб турилади. Унга бюджет, солиқ системаси орқали, пул ва кредит сиёсати орқали, валюта ва бож қонунлари орқали, рақобат, кордонлик учун шарт-шароит яратиш орқали ва бошқа йўллар билан таъсир ўтказилади.

Бу назария масаласи эмас, балки кўп мамлакатларнинг тажрибаси билан тасдиқланган фактдир. Чекланган бўлсада, бизнинг ўз тажрибамиз ҳам бор. Ўтмишда товар ресурслари бир йилда 10-12 миллиард сўмлик кўпайтирилган тақдирда ҳам истеъмол бозорининг камтарона бўлсада, муқим даражаси таъминланди.

Ҳозир, ҳарбий саноат йўналишини ўзгартиришни бошлаб товар ресурслари ишлаб чиқариш ҳажмини 1988 йилдаги 27 миллиард сўмликдан 39 миллиард сўмликка етказишга муваффақ бўлдик. Шунга қарамай, бозордаги вазият фалокатли равишда ёмонлашди. Бунинг сабаби равшан: бизо бозорни оқилона тартибга солмай қўйдик, олдинги йиллардагига нисбатан бир неча баравар кўп пулни зарб қила бошладик, мамлакатдаги молиявий вазият назоратини қўлдан чиқариб юбордик. Хазинадаги пул зарб қиладиган дастгоҳ пойабзал, газлама ва бошқа моллар таёрлайдиган станоклардан тезроқ ишлар экан, истеъмол бозородиги ўпирилишларни тугата олмаймиз.

Давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш ҳозирги вақтда биринчи ва энг муҳим вазифадир. Фақат шу вазифани ҳал этиб иқтисодиётни давлат йўли билан бошқариш воситаларини қўлга кирита оламиз, пухта ўйланган молиявий сиёсатни ўтказиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳозир ССЖИ Олий Кенгаши, иттифоқдош жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари 1991 йил учун бюджет лойиҳасини муҳокама қилишга киришадилар. Иқтисодиётни барқарор этишга қаратилган куч-ғайратлар қанчалик жилдий, самарали эканлиги, аҳволни қўлда ушлаб туришга имкон бериши ёки бермаслиги айни ана шу муҳокамада дарҳол равшан бўлиб қолади.

Кўрпага қараб оёқ узатиш керак — бу амал қилиши ўрганиш лозим бўлган биринчи қоидадир. Барча тармоқларга қарашли корхоналар қаттиқ молиявий шароитга солиб қўйилади. Уларнинг пировард натижада бюджет ёки банк ҳамиша ёрдамга келиб қутқаради, текин, қайтариб берилмайдиган кредитлар бор, деган фикрдан бутунлай қутулишларига тўғри келади.

Бундан уч йил олдин биз корхоналарнинг қарзлари учун давлат жавоб бермайди, деган мутлақо тўғри тезисни эълон қилдик. Афсуски уни амалда рўёбга чиқариш учун ҳеч иш қилмадик. Ҳозир бу тезис хўжалик турмушининг қонуни бўлиб қолиши керак.

Тўғрисини айтганда, биз сўмни мустаҳкамлаб, корхоналарнинг ҳозирги хўжалик алоқалари учун жавобгарликни давлат зиммасидан соқит қила оламиз, истеъмолчига зарур бўлган маҳсулотни, даромад, фойда келтиридиган маҳсулотни ишлаб чиқаришга мажбур қиладиган ишончли бозор воситаларини ишга сола оламиз.

Реалист бўлиш лозим. Бу муаммони бир неча ой ичида ҳал қилиб бўлмайди. Хуллас, ишлаб чиқариш кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик учун яқин вақтларда хўжалик алоқаларини маъмурий усуллар билан ҳам сақлаб туришга тўғри келади. Айтмоқчи, иқтисодиёт соҳасида худди шундай танг вазият орқали ўтган барча мамлакатлар худди шундай ҳаракат қилган.

Ислоҳотларнинг мухолифлари бозорга ўтиш сўзсиз равишда келтириб чиқарадиган қийинчиликларни пеш қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш фалокатли даражада камайиб кетиши, оммавий ишсизлик юз бериши билан қўрқитмоқдалар. Ҳолбуки, мамлакатда ўткир иқтисодий танглик, энг муҳим молларнинг етишмаслиги ва мамлакатни жаҳондаги энг бой ва гуллаб-яшнаган ўлкага айлантириш имконини берадиган чинакам битмас туганмас резервлар бир-бирига чирмашиб кетмоқда.

Маъмурий-буйруқбозлик системаси ана шу резервларни яширишга мажбур қилади, хўжалик соҳасида ташаббускорлик, омилкорлик кўрсатганларни қаттиқ жазолайди. Ҳолбуки, кордон, ресурслардан самарали фойдаланишнинг янги имкониятларини топадиган одам бозор иқтисодиётида асосий кучдир. Бозор ва рақобат шароитига тушган айни шундай одам беҳуда ётган ишлаб чиқариш имкониятларини ишга сола олади.

Шу сабабли унинг обрўсини ошириш, ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш шу қадар муҳимдир. Аввало омилкорликка қарши қаратилган барча қоидаларни қонунлардан чиқариб ташлаш зарур. Буни тезда қилиш лозим. Ижтимоий онгдаги сийқа тасаввурларни бартараф этиш эса анча мураккаб, кишилар онгида «корчалон» ва «жиноятчи» тушунчалари бир-бирига қўшилиб кетган.

Биз бунга қанчалик тезроқ эришсак, иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда, халқ турмуш даражасини оширишда силжишлар шу қадар салмоқли бўлади.

Кордонлик фаоллиги ресурсидан фойдаланиш учун бозорнинг тегишли ёрдамчи тармоқларини, маърифатли бозор ишига хизмат қилувчи муассасаларни тузиш лозим, албатта. Гап товар ва фонд биржалари, тижорат банклари системаси, улгуржи савдо корхоналарининг кенг тармоғи ҳақида бормоқда. Сизларга тақдим этилган ҳужжатда буларнинг ҳаммаси кўзда тутилган.

Янги ижтимоий сиёсат ҳам ўзгариб бораётган иқтисодий шарт-шароитларга мос бўлиши керак. Биз аввал бошданоқ жамиятимизга қандайдир умумиттифоқ ижтимоий таъминоти деб қарашни, таркиб топган андозаларни бартараф этишимиз лозим. Ижтимоий сиёсат эътиборининг маркази ҳар бир инсоннинг юқори унумли меҳнат қилиши сабабларини кучайтириш томонга бурилиши керак. Бу даромадларни кўпайтириш учун асосий шарт эканлигини тушуниб олишимиз зарур.

Меҳнат қила олмайдиган ҳар бир киши жамиятнинг ёрдамига умид қилишга ҳақлидир. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан нозик табақаларига, биринчи навбатда пенсионерларга, ногиронларга, кўп болали оилаларга ёрдам беришнинг махсус дастурлари амалга оширилади.

Давлат корхоналарни ҳимоя қилишдан воз кечиб, одамларни ҳимоя қилади. Иш жойини ўзгартиришга тўғри келадиган одамлар ишга жойлаштиришда, янги ихтисосни эгаллашда ва бошқаларда ёрдам олиш имкониятига эга бўладилар. Бунга дарҳол муваффақ бўлмаган кишилар маълум вақт тирикчилик қилишга имкон берадиган нафақа оладилар.

Ҳаммамизни ташвишга солаётган масала — бу чакана нархлар масаласидир. Бозор шароитида нарх-наво ўзгарувчан бўлиши, талаб ва таклифга қараб белгиланиши лозим, албатта. Давлат ўтиш даврида кундалик зарур бўлмас чакана нархлари қимматлашишини тўхтатиш учун ҳамма ишни қилади. Энг муҳим молларга қайд этиб қўйилган давлат нархлари жорий этилади.

Нархлар ўзгарган тақдирда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, қайд этилган даромадлар, жумладан, муаллимлар, врачлар, олимлар, ҳарбий хизматчилар, давлат муассасалари ходимлари даромадлари индексация қилинади, яъни истеъмол бозородиги қийматнинг ўсишига мувофиқ равишда кўпайтирилади.

Нарх сиёсатининг муваффақияти биринчи навбатда молияни, пул муомаласини барқарорлаштиришга қаратилган чораларимиз қанчалик самарали бўлишига боғлиқ. Улгуржи ва харид нархларининг ўзгариши ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Ана шу нархларга давлат томонидан таъсир ўтказиш воситалари асосий йўналишларда кўзда тутилган.

Бозорга ўтиш чет мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларни кенгайтиришни, бу муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқича олиб чиқишни объектив тарзда талаб қилади. Жаҳон бозори шафқатсиз рақобат эканлигини, маҳсулот сифатига, олинган мажбуриятларни аниқ бажаришга юксак талаб эканлигини тушуниб олишимиз керак. Жаҳон бозорига фақат хом ашё ресурслари билан эмас, тайёр маҳсулотлар билан чиқиш учун пухта мувофиқлаштирилган куч-ғайрат, яхши ўйланган, аниқ мақсадни кўзловчи структура ва техника сиёсати зарур.

Бизда ҳамма жойда бемалол муомалада бўладиган сўм тўғрисида кўпинча қандайдир олис истиқбол сифатида, деярли ўнлаб йиллар давомида бўладиган иш тарзида гапиришмоқда. Ҳолбуки, бу халқаро бозорда интеграцияга ёриб ўтишни таъминлаш учун яқин вақт ичида ишга солиш лозим бўлган жуда муҳим воситадир.

Бозорга ўтиш босқичида хорижий молия ресурсларини жалб этиш тўғрисида мамлакатимизда ҳам, чет эллларда ҳам қизғин мунозара бормоқда. Тўғри, хорижий молия ресурсларини жалб этишни фойдали ва зарур деб ҳисоблаймиз. Бу хусусда айрим мамлакатларга ҳам, халқаро ташкилотларга ҳам мурожаат қилдик. Ҳозир музокаралар бормоқда.

Муаммоларимизни биз учун кимлардир ҳал қилиб беради, деб ўйламаслик керак, албатта. Лекин четдан молиявий ресурсларни жалб этиш иқтисодий ислоҳотнинг ўтишини анча осонлаштиради. Бу ўринда камида иккита савол туғилади.

Биринчиси. Таассуфки, биздан асосли равишда сўрашмоқда: ҳозирча Иттифоқда жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинмаган, ташқи иқтисодий шартномалар тузиш тезлиги ва ҳажмининг ўсишига ва ҳ. к. системаси ана шу резервларни яширишга мажбур қилади, ҳўжалик соҳасида ташаббускорлик, омилкорлик кўрсатганларни қаттиқ жазолайди. Ҳолбуки, кордон, ресурслардан самарали фойдаланишнинг янги имкониятларини топадиган одам бозор иқтисодиётида асосий кучдир. Бозор ва рақобат шароитига тушган айни шундай одам беҳуда ётган ишлаб чиқариш имкониятларини ишга сола олади.

Шу сабабли унинг обрўсини ошириш, ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш шу қадар муҳимдир. Аввало омилкорликка қарши қаратилган барча қоидаларни қонунлардан чиқариб ташлаш зарур. Буни тезда қилиш лозим. Ижтимоий онгдаги сийқа тасаввурларни бартараф этиш эса анча мураккаб, кишилар онгида «корчалон» ва «жиноятчи» тушунчалари бир-бирига қўшилиб кетган.

Биз бунга қанчалик тезроқ эришсак, иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда, халқ турмуш даражасини оширишда силжишлар шу қадар салмоқли бўлади.

Кордонлик фаоллиги ресурсидан фойдаланиш учун бозорнинг тегишли ёрдамчи тармоқларини, маърифатли бозор ишига хизмат қилувчи муассасаларни тузиш лозим, албатта. Гап товар ва фонд биржалари, тижорат банклари системаси, улгуржи савдо корхоналарининг кенг тармоғи ҳақида бормоқда. Сизларга тақдим этилган ҳужжатда буларнинг ҳаммаси кўзда тутилган.

Янги ижтимоий сиёсат ҳам ўзгариб бораётган иқтисодий шарт-шароитларга мос бўлиши керак. Биз аввал бошданоқ жамиятимизга қандайдир умумиттифоқ ижтимоий таъминоти деб қарашни, таркиб топган андозаларни бартараф этишимиз лозим. Ижтимоий сиёсат эътиборининг маркази ҳар бир инсоннинг юқори унумли меҳнат қилиши сабабларини кучайтириш томонга бурилиши керак. Бу даромадларни кўпайтириш учун асосий шарт эканлигини тушуниб олишимиз зарур.

Меҳнат қила олмайдиган ҳар бир киши жамиятнинг ёрдамига умид қилишга ҳақлидир. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан нозик табақаларига, биринчи навбатда пенсионерларга, ногиронларга, кўп болали оилаларга ёрдам беришнинг махсус дастурлари амалга оширилади.

Давлат корхоналарни ҳимоя қилишдан воз кечиб, одамларни ҳимоя қилади. Иш жойини ўзгартиришга тўғри келадиган одамлар ишга жойлаштиришда, янги ихтисосни эгаллашда ва бошқаларда ёрдам олиш имкониятига эга бўладилар. Бунга дарҳол муваффақ бўлмаган кишилар маълум вақт тирикчилик қилишга имкон берадиган нафақа оладилар.

Ҳаммамизни ташвишга солаётган масала — бу чакана нархлар масаласидир. Бозор шароитида нарх-наво ўзгарувчан бўлиши, талаб ва таклифга қараб белгиланиши лозим, албатта. Давлат ўтиш даврида кундалик зарур бўлмас чакана нархлари қимматлашишини тўхтатиш учун ҳамма ишни қилади. Энг муҳим молларга қайд этиб қўйилган давлат нархлари жорий этилади.

Нархлар ўзгарган тақдирда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, қайд этилган даромадлар, жумладан, муаллимлар, врачлар, олимлар, ҳарбий хизматчилар, давлат муассасалари ходимлари даромадлари индексация қилинади, яъни истеъмол бозородиги қийматнинг ўсишига мувофиқ равишда кўпайтирилади.

Нарх сиёсатининг муваффақияти биринчи навбатда молияни, пул муомаласини барқарорлаштиришга қаратилган чораларимиз қанчалик самарали бўлишига боғлиқ. Улгуржи ва харид нархларининг ўзгариши ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Ана шу нархларга давлат томонидан таъсир ўтказиш воситалари асосий йўналишларда кўзда тутилган.

Бозорга ўтиш чет мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларни кенгайтиришни, бу муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқича олиб чиқишни объектив тарзда талаб қилади. Жаҳон бозори шафқатсиз рақобат эканлигини, маҳсулот сифатига, олинган мажбуриятларни аниқ бажаришга юксак талаб эканлигини тушуниб олишимиз керак. Жаҳон бозорига фақат хом ашё ресурслари билан эмас, тайёр маҳсулотлар билан чиқиш учун пухта мувофиқлаштирилган куч-ғайрат, яхши ўйланган, аниқ мақсадни кўзловчи структура ва техника сиёсати зарур.

Бизда ҳамма жойда бемалол муомалада бўладиган сўм тўғрисида кўпинча қандайдир олис истиқбол сифатида, деярли ўнлаб йиллар давомида бўладиган иш тарзида гапиришмоқда. Ҳолбуки, бу халқаро бозорда интеграцияга ёриб ўтишни таъминлаш учун яқин вақт ичида ишга солиш лозим бўлган жуда муҳим воситадир.

Бозорга ўтиш босқичида хорижий молия ресурсларини жалб этиш тўғрисида мамлакатимизда ҳам, чет эллларда ҳам қизғин мунозара бормоқда. Тўғри, хорижий молия ресурсларини жалб этишни фойдали ва зарур деб ҳисоблаймиз. Бу хусусда айрим мамлакатларга ҳам, халқаро ташкилотларга ҳам мурожаат қилдик. Ҳозир музокаралар бормоқда.

Муаммоларимизни биз учун кимлардир ҳал қилиб беради, деб ўйламаслик керак, албатта. Лекин четдан молиявий ресурсларни жалб этиш иқтисодий ислоҳотнинг ўтишини анча осонлаштиради. Бу ўринда камида иккита савол туғилади.

Биринчиси. Таассуфки, биздан асосли равишда сўрашмоқда: ҳозирча Иттифоқда жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинмаган, ташқи иқтисодий шартномалар тузиш тезлиги ва ҳажмининг ўсишига ва ҳ. к. системаси ана шу резервларни яширишга мажбур қилади, ҳўжалик соҳасида ташаббускорлик, омилкорлик кўрсатганларни қаттиқ жазолайди. Ҳолбуки, кордон, ресурслардан самарали фойдаланишнинг янги имкониятларини топадиган одам бозор иқтисодиётида асосий кучдир. Бозор ва рақобат шароитига тушган айни шундай одам беҳуда ётган ишлаб чиқариш имкониятларини ишга сола

Ёзувчилар пахта далаларида

ДЕҲҚОН ҚЎЛИДА ЧЕРВОН

Қайси бир фарғоналик билан гаплашманг, «Бу йил— пахтачиликда қайта қуриш йили бўлди» деб қувонади. «Бу кунларни кўпдан бери орзу қилардик»,— дейишади кекса пахтакорлар ҳам.

Бутун мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда янги жараён қийинчилик билан одимлаётган бир пайтда Фарғона пахтачилигида бу йил қандай ва қай тарзда қайта қуриш йўли бўлганини билгимиз келди. Аввало вилоят раҳбарлари баён этган таърифни эшитдик. Сўнгра жамоа тўжаликлари билан мулоқатда бўлганимизда кўп нарса аён бўлди. Қолаверса, пахтачилик рўзғори қандай қилиб қайта қурилганини ўз кўзимиз билан кўрдик, қулоқларимиз билан эшитдик.

Ўзбекистон ноҳияси деҳқонлари 1990 йил учун белгиланган йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб, жумҳурият илғорлари қаторида 7 октябрь куни бажарган эди. Ҳар гектар ердан йиғиб олинган оқ олтин ўша куни 30 центнердан сал ортиқ бўлди. Унинг 90 фоизи юқори навларга қабул қилиниб, баланд нархларда сотилди. Бундан давлат ҳам, жамоа хўжалиги ҳам, деҳқон ҳам катта манфаат кўрди.

Деҳқон манфаатдорлигини ошириш — пахтачиликдаги қайта қуришнинг илдизи бўлди. Ноҳияда 1146 ижарачи фаолият кўрсатди. Улар ўз тасарруфига олган ерларда мардикор эмас, хўжайин сифатида жонбозлик кўрсатдилар, шунчаки кун ўтсинга эмас, «иш битсину ҳосил унсин», деган мақсадда юксак манфаатни кўзлаб миришкорлик қилдилар. Уларнинг кўплари ўз пахта режаларини ўн-ўн беш иш кунидаёқ уддалаб қўйиб, ортиқча оқ олтинини нақд червонга пулламоқдалар. Шартномадагисидан ортиғининг ақчаси тўппа-тўғри ўз ҳамёнларига тушаяпти.

Иккинчи омил — терим пули ошгани бўлди. Илғарилари чаноқлардан мисқоллаб не азобда терган ҳар килограмм пахта учун 3—4 тийиндан ҳақ олардилар, кун бўйи тергани нон-чой пулига зўрға етарди, пойабзали йиртилиб, кийим-боши титилгани эвиёнга қоларди. Шу боисдан йил бўйи тер тўкиб етиштирган ўз пахтасини йиғиб олишга юраклари чопмасди. «Давлатга керак бўлса, йиғиб-териб олсин», деб пахтага қўл урмасдилар. Балога қолган студентлару шаҳарликлар ўқишини, ишини ташлаб, ёмғир, қор остида ҳам пахта терардилар. Бу — давлатга ҳам, деҳқонга ҳам кафори зарар эди.

Бу йил «Катта боссанг — катта оласан, кўп терсанг— мўмай оласан», деб эълон қилинди. Юз килограмм терган йигирма беш сўм олди, қўли пул кўрганлар ундан ҳам кўпроқ олишга қизиқди. «Ҳашарчию ҳайбаракачилар керак эмас, ўзимиз терамиз» дейишди. Бундан шаҳарликлар мамнун бўлсалар ҳам анчайин талабалар хафа бўлишди. Улар ҳам мавсумда қишга етадиган пул ишлаб олгиси келарди.

Моддий манфаатдорликнинг маззасига тушуниб қолган ижарачилар, бригадаю жамоа хўжаликлари ҳар ишда ҳисоб-китоб билан иқтисод қиладиган бўлдилар. Бу жиҳатдан машина терими қўл келиб қолди. Ҳар тонна пахта қўлда терилса 250 сўмга тушади, машинада эса энг кўпи 25 сўмга айланади. Фарқи ўн баравар! Шунинг учун ноҳия пахтасининг 70 фоизи — 22 минг тоннаси машиналарда териб олинди. Дала суворилари ҳам қўлларида пул ўйнаётганидан қувватга кириб, кундан-кунга кўп ва соз тера бошладилар. 170 тоннадан орттириб пахта терган суворилар енгил машина соврини ҳам оладиган бўлди. Иброҳим Иигиталиев, Мукаррамахон Маъ-рупова, Сабохон Жўраевалар 200—250 тоннадан оқ олтин териб мўмай пул, катта мукофот олдилар.

Ленинград ноҳиясида янги «Жигули» олган, гилам кўтариб кетаётган йигит, қизларни кўрганлар «Қаердан олдингиз?» деб сўрардилар. Магазинда сотилаётган бўлса, улар ҳам олишга тайёр эдилар. Аммо минг афсуски, бу хил моллар савдода йўқ эди. Машина ҳам, гилам ҳам илғор пахтакорларга — механизаторлар, сувчилар, теримчиларга мукофотга берилаётган эди. Ленинград ноҳиясида пахтачиликдаги уч касбни жуда-жуда ардоқлашар экан. Ғўза парваришида сувчининг иши айниқса бебаҳо. Ҳосил тўплаш, кўсакларни тез очилтириш ёки кечки бўлиб қолиши сувчининг қўлида эмиш. Суғориш усули ҳам, режаси ҳам қайта қурилибди, сувчиларга муносабат тамомила ғамхўрлик томонига ўзгарибди.

Сув ҳам пулга келаяпти. Унинг ҳам тош-торозуси, ўлчови, суғориш иқтисоди бор. Шунинг учун миробларнинг ҳам, сувчилар ҳам бир қултум сувни бекор қилмай ишлатадилар. Сувни аяб сарфлаш ҳисобига ҳам, ғўзанинг оби-тобида усталик билан суғориш ҳисобига ҳам ноҳия сувга сероб бўлди. Сувчилар меҳнати оғир, мураккаб ва ўзи учун зарарли, негаки у ҳамиша сувда, зах да, лой-балчиқда юради. Унга алоҳида парвариш керак. Сувчиларга ҳинд қора чойи, новвот, асал сингари мижозга иссиқлик таомлари бериб турилди. Деҳқончилик саноати уюшмаси 1150 нафар яхши сувчини ёзда тақдирлаган эди, пахта плани тўлган куни яна бир нечаси гилам туҳфалари олдилар.

Механизаторлик ҳам қадрли ҳунар. Ленинград ноҳиясида энг кўп маош оладиган, мавсумда қўлида червон ўйнайдиган кишилар механизаторлардир. Шу боисдан ноҳияга келган иккита енгил машина ўшаларга сотилди.

Теримчининг иши ҳам фахрли касб бўлиб қолди. Илғор теримчиларни вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби, вилоят Совети раиси Ғулом Фозиловнинг ўзи бирма-бир табриклади, уларга қимматбаҳо совринлар топширди.

Ғулом Фозиловнинг айтишича, Ленинград ноҳиясининг ютуғи мустаҳкам интизом ўрнатилганида экан. Ҳамма иш ўз вақтида, бир маромда яхши сифат билан ижро қилинади. Интизом— асосий омил!

— Энг муҳим ғалаба — пахтага муносабат ўзгарди, — дейди вилоят фирқа қўмитасининг деҳқончилик ишларига масъул котиби ўртоқ Исломов.— Барча ноҳушликлар пахта туфайли юзага келди, уни йўқотиш керак, дегувчилар деҳқонни чўчитиб қўйганди. Қалови топилса, қор ҳам ёнади, деганларидай бунинг ҳам қалови топилди. Қаловини қуваликлар топиб бердилар.

Ҳақиқатан ҳам Қувада оз ерга пахта экиб кўп ҳосил олиш йўли топилди. Бу ишни Энгельс номли, «Коммунизм» жамоа хўжаликлари тадбиркорлари бошлаб бердилар. Ноҳия Совети депутати Ҳайдарали Қурбонов ташаббуси билан 200 гектар пахта ери алмашлаб экиш майдонига қўшилди ва анчагинаси деҳқон хўжаликларига томорқа қилиб берилди. Аммо экин режасидан чиққан бу ер пахта салмоғини пасайтирмади, пахтадан олинадиган даромад ўтган йилдагидан кўра кўп бўлди: бу йилги 3 миллион 200 минг сўмлик даромаддек даромадни Энгельс жамоа хўжалиги ҳеч вақт қўлга киритмаган.

Алмашлаб экиш майдони кенгайгани туфайли бу хўжаликда чорва туёғи ҳам кўпайди, ғўшт-сутни мўл қилишнинг янги имкониятлари пайдо бўлди. Булар нималардан иборат? Жамоа хўжалиги ихтиёридаги мол, қўй колхоз аъзоларига бўлиб берилди: «Ем-хашак биздан, парвариши сиздан, даромади ўртада» дедилар. Қаловининг яна биттаси — ғўшт топширишда даллолдан воз кечилди. Яъни, жамоа хўжалиги авваллари давлатга ғўштни «откормбаза» орқали топширар ва бундан 70—80 минг сўм зарар кўрарди. Эндиликда хўжалик ғўштни давлатга даллолсиз тўғридан-тўғри пуллайди. Бундан зарар ўрнига эллик минглаб фойда олинмоқда.

Пахтачиликнинг агротехникаси — деҳқончилик усуллари ҳам қайта қурилди. Илгариги йилларда чигит суви билан ғўза ундириларди. Эндиликда чигит ўз намига ундирилмоқда. Бу усул ғўза парваришини тез бошлаб, етилишини барвақт таъминлаб, пахта очилиши эртаги бўлишига эришилди. Шу боисдан ҳар йили кеч кузда ҳам, қор-ёмғирда ҳам пахта терадиган Қува октябрнинг ўртасида юқори ҳосил бериб, режасини уддалади.

Умуман бутун вилоят бу йил анча вақтгача жумҳуриятда карвонбоши бўлиб келди, бироқ октябрь ойи бошида савалаб ўтган ёмғир учиб бораётган пойгачи от оёғига ташланган ходадай шош қайтарди, аммо Фарғона илғорлар қаторида маррага етиб, ҳозир жумҳурият режаси ҳисобига пахта тортмоқда.

И. РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

И. СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

САОДАТ МОМО

Кечки пайт Саодат момо пудрат олмаган хонадонларга кириб чиқди. Бундай оилалар маҳаллада саноқли эди.

— Оводон, сен эртага Шарифаникига ёрдамга борасан. Мен Бибижонникида. Санобар эса Олтинжонникида ҳашар қиламиз. Ҳамма далада жон қуйдириб ишлаётганда бизлар пудратчиларга ёрдам бермасак, уят бўлар. Ҳайт деган ҳам туяга мадад. Эртага сахарда бозорга бориб, харажат қилиб келаман. Тушда катта тут тагида қозон осаман. Уйингда ортиқча қовун-тарвуз, узум бўлса дастурхонга олиб чиқарсан...

Шанба куни кекса тут тагида қозон осилди. Ош дамланди. Катта самовар қўйилди Саодат момо.

Пахтакорларга чой дамланди.

Дастурхон тўкис. Пудратчилар ҳам, ёрдамчилар ҳам палов еб, қовун-тарвуз, узум танаввул қилдилар. Дастурхон йиғиштирилгандан кейин момо ёрдамга келганлардан қанча пахта терганликларини сўраб-суриштирди. Ҳар бирининг 40—50 килограммдан чиқди. Тушдан кейин яна шунчадан теришса, дуруст бўларди дея ўйлади Саодат момо.

Юқорибоғ — Урганч ноҳиясидаги энг аҳил қишлоқлардан бири. Унинг Кунчи овул маҳалласида 12 хонадон истиқомат қилади. Улар бир оила фарзандларидек иноқ яшашади. Тўйда ҳам, маъракада ҳам, йиғим-теримда ҳам бир-бирига мададкор улар. Саодат Сафарова ана шу маҳалланинг онахони. Момони ҳамма ҳурмат қилади. Онахон бошидан кўп машаққатларни кечирган. Эри ёшлигида вафот этган. Беш болани ўзи тарбиялаган. Қизларини турмушга чиқарди, ўғилларини уйлантирди. Ҳозир бағрида икки келини, неваралари бор. Шахсий хўжалигидаги кичик фермасидан ҳар йили давлатга сут, ғўшт етказиб беради.

Маҳаллада шогирдлари кўп. Илғор пудратчилардан Бибижон Ғойибова, Ойтўти Аҳмедова, Ҳайитгул Холмуродова, Олтин Раҳимова, Шарифа Қурбондурдиева, Малика Норматова шулар жумласидандир. Улар момодан доим маслаҳат олиб туришади. Кези келганда эса устозга кўмакдош, суянчиқ бўлишади.

О. ЭГАМОВА.

Оққўрғон районидаги Вотинцев номли жамоа хўжалиги далаларида 25 та машина тўла қувват билан ишлади. Уларнинг ёрдамида ҳар куни йиллик режанинг 7—9 фоизи миқдорида оқ олтин саранжомланди. Натижада 12 иш кунида зафар марраси эгалланди. Хирмонга 4.000 тоннадан знёд юқори нав хом ашё топширилди.

СУРАТДА: бош агроном Остонақул Туратов (чапдан), бригада бошлиғи Аҳад Мусабоев, илғор механизаторлар Тўлқин Абдурайимов ва Йўлдош Носиров пахтазорда.

А. МАЛЬЦЕВ олган сураи.

Таҳририятга хат

ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Шу кунларда ҳамма жойда матбуот нашрларига ёзилиш қизғин давом этяпти. Сир эмаски, бу иш аввалги йиллардагидан бошқача тарзда ўтказилаяпти. Барча турлардаги матбуот нашрларининг обуна баҳоси кескин кўтарилди. Шунинг учун кўпгина колхозларда ва совхозларда, ташкилотларда меҳнат ва уруш кексаларига, қаҳрамон оналарга ана шу мақсад учун хўжалик жамғармасидан маблағ ажратилмоқда.

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасини 1991 йили муттасил ўқиш истагини билдираётганлар кам эмас. Унга Оҳангарон районида — 576, Олмалиқ шаҳрида 470, Ангренда 476 нафар муштарий обуна бўлди. Бу ўтган йилга нисбатан кам, албатта.

Оҳангарон ноҳиясидаги «Ангрен» давлат хўжалигининг чўпони Мўмин Холтўраев шундай дейди: «Ўтган йили «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати», «Тошкент ҳақиқати», «Оҳангарон», «Муштум» ва бошқа рўзнома ҳамда жаридаларга ёзилган эдим. Аммо алоқачилар узоқ фермаларга ҳар ҳафтада, гоҳида эса 10 кунда бир марта чиқадилар. Натижада жарида ва рўзномаларни вақтида ололмай сарсон бўлдим. Биргина мен эмас, бошқа чўпонлар ҳам менинг аҳволимга тушишган.

Холбой Раимқулов: (Серго Оржоникидзе номли давлат хўжалиги пенсионери), — бултур «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасида Оҳангарон ноҳиясига Тошкентдан нашрларни жуда кеч келтирилаётганлиги, улар ҳам ноҳия марказида қолдирилиб, сўнгра қишлоқларга анча вақт ўтгандан сўнг тарқатилаётганлиги, область алоқа бўлимининг мудири ўртоқ Кудинов бу ишни алоқа ишларини марказлаштириш мақсадида қилганлиги таҳқид этилган эди. Аммо ўзгариш бўлмади. Масалан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси ҳар жума кунлари чиқса ҳам бизга кейинги ҳафтанинг сешанба, чоршанба кунлари етиб келаяпти. «Ўқитувчилар газетаси» ҳам мунтазам 2—3 кун кечикади. Баъзида эса умуман олмаймиз. Масалан, 25—26 сентябрь кунлари «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси Оҳангаронга умуман тарқатилмади.

Ворошилов номли давлат хўжалиги ҳудудидаги Овжаз қишлоғида истиқомат қилувчи ноҳия Советининг депутати Абдулла Жўраевнинг ва Телов қишлоқ Советининг депутати Жуманазар Миргозиевларнинг фикрига қараганда, мазкур қишлоқнинг алоқачиси Камолхон Қосимов (аслида 'алоқачи унинг аёли) томонидан рўзнома ва жаридалар, хат ва телеграммалар ҳафтада атиги 2—3 марта келтирилади. Бу ҳақда тегишли ташкилотлар томонидан К. Қосимов бир неча марта огоҳлантирилишига қарамай ҳамон ишда ўзгариш бўлмаяпти.

Мана шу сингари камчиликлар ва нуқсонлар келгуси йил учун обуна бўлиш ишига ғов солмоқда. Шунинг учун биз қишлоқ меҳнаткашларининг дилкаш маслаҳатгўйи бўлмиш севимли рўзномамиздан бу борада ёрдам кўрсатишларини сўраймиз.

М. ҚАЮМОВ.

ОРОЛ: ҳаракатлар даври

«Аскарларга раҳмат» — дейишмоқда миннатдорчилик билан «Мўйноқ», «Қўнғирот» ва Дзержинский номли давлат хўжаликлари аҳолиси Туркистон ҳарбий округи жангчиларига мурожаат қилиб. Армия экология жиҳатидан энг ноқулай бўлган жойларда аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан кенг миқёсли тадбирларни амалга оширишни ўз зиммасига олди.

— Мухтор жумҳурият ҳукумати билан тузилган битимга мувофиқ биз Мўйноқ, Қўнғирот ва Ленинобод районларида учта база бўладиган жойни барпо этдик, — дейди Туркистон ҳарбий округи дала сув таъминоти бўлими бошлиғи, майор А. И. Полишчук. — уларнинг ҳар бирида тўрттадан қурилма бўлиб, мажмуа бир соат давомида чучуклаштирилган сув билан тўлдириладиган саккизта чондан иборат.

Бугунги кунда армияга кўплаб ҳуруж қилинмоқда. Лекин у ҳар доим оғир дақиқаларда одамларга биринчи бўлиб ёрдамга келмоқда. Зилзилалар, ёнғинлар оқибатларини бартараф этишда, бошқа танг вазиятларда кўмаклашмоқда. Мана ҳозир ҳам ҳарбийлар экология фалокати зонасида жойлашган Қорақалпоғистон аҳолисига ёрдам беришга киришдилар.

— Ленинобод районида яшовчилар билан яхши муносабатлар вужудга келди, — деб сўзини давом эттиради Александр Иванович, — Бу ерда биз район марказини, мактабларни, касалхонани, новвойхонани сув билан таъминлаяпмиз. Истиқболни мўлжаллаб, қурилмаларимизни «Водстрой»нинг маҳалли бўлинмалари балансига ўтказиш масаласини ишлаб чиқяпмиз. Лекин аввало одамларни армияда қўлланиладиган қурилмалардан фойдаланишга ўргатиш керак. Бу ерда биз армиядан бўшаб келган беш йигитни шогирдликка олдик, улар армияда хизмат қилганликлари туфайли бизнинг техникамизни билишади.

Оролчасига конверсия —бу шунчаки модадаги сўзлар эмас. Яқинда ҳарбийлар орол-бўйи гидрогеология экспедициясига 22 та чучуклаштирадиган қурилма ва саккизта бурғилаш қурилмасини сотдилар. Гидрогеологлар уларни сувнинг сифати айниқса паст бўлган энг узоқ участкаларда ўрнатадилар.

ССЖИ Мудофаа вазирлиги илмий муассасаларидан бирининг сувни тозалаш ва чучуклаштириш лабораторияси бошлиғи, техника фанлари номзоди, подполковник Д. Ю. Пичуев бундай дейди:

— Нукусда яқинда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда хорижий фирмалар Қорақалпоғистон АССР ҳукуматига ўз чучуклаштириш қурилмаларини намойиш этдилар ва ҳамкорлик қилишни таклиф қилдилар. Бундай техниканинг нархи — икки минг доллар. Ваҳоланки армияда ҳоригдагиларга ўхшаш, баъзи жиҳатлари бўйича улардан ҳам яхшироқ тегишли қурилмалар мавжуд. Биз сувни чучуклаштирадиган қурилмаларнинг икки хилини Нукусга олиб келдик ва уларни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишни таклиф этдик.

Улардан бирининг нархи 350 сўм, иккинчисиники 480 сўм. Ҳар иккиси ҳам сувни турли қоришмалардан экологик жиҳатидан тозалайди. Бу қурилмаларга бутловчи деталлар Краснодарда ишлаб чиқарилади. Қурилмалар енгил бўлиб, улардан фойдаланиш ҳам осон. Қизил Ўрдада бизнинг ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифимизни кувонч билан кутиб олишди. Эндиликда ғап Қорақалпоғистон ҳукуматига боғлиқ. Мухтор жумҳурият аҳолисини сув билан таъминлашнинг бугун биз бошлаган тадбирлар мажмуи ҳам Қорақалпоғистон ҳукумати билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда. Оролбўйини сифатли сув билан таъминлаш учун қувватларимиз етарли.

В. ЛУЦЕНКО,
ЎзТАГ мухбири.

Депутат ва ҳаёт

МАНЗИЛ УЗОҚ, КЎНГИЛ ЯҚИН

Солижон Мамарасулов ўша пайтларда Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби эди. Бу лавозимда 4 йил ишлаб, воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшди. Унинг одамийлиги ва одмилиги, ишчанлиги ва принципиаллиги, талабчанлиги ва меҳрибонлиги халққа ёқиб қолганди. Шу боисдан ҳам СССР халқ депутати этиб сайлашган эди.

Сайловолди ва сайловдан кейинги учрашувларда аҳоли Солижон Мамарасуловича қатор топшириқлар берди. Ҳозир депутат Тошкент вилоят коммунистларига бошчилик қилиш баробарида куч-ғайратининг бир қисмини сурхондарёликлар ишончини оқлашга сарфламоқда, халққа берган ваъдаларини устидан чиқишга интилаяпти. Келинг, яхшиси — депутатнинг фаолиятига сайловчиларнинг ўзлари баҳо бера қолишсин.

Турғун САФАРОВ, халқ депутатлари Денов район Совети раисининг ўринбосари:

— Эсимда, сайловолди йиғилишида ва шу йилнинг бошида депутат билан бўлган учрашувда сайловчилар Солижон Мамарасуловича ҳаётий аҳамиятга молик 8 та наказ беришган эди. Бу топшириқлар Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсати ва жумҳурият Вазирлар Кенгаши томонидан рўйхатга олиниб, ижро учун режага киритилди.

Наказларнинг бир қисми ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган эди. Хабаримиз бор: Солижон ака бу масала бўйича тезда жумҳурият сув хўжалиги вазирига расмий хат йўллади. Шундан сўнг ишлар жадаллашиб кетди. Булунғур каналининг «Социализм» давлат хўжалиги ҳудудидан ўтган 3 километрли қисми қисқа вақт ичида қайта тикланди. Энди гал иккинчи навбатга келди. Бунинг учун 4 миллион сўм ажратилди.

Сайловчилар накази асосида «Ғалаба» жамоа хўжалиги чегарасидан ўтган Сурхон ва Қизил сув дарёлари қирғоғида селдан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилиши ҳам олиб борилмоқда. Сурхон дарёси қирғоғидаги ишлар ниҳоясига етди. Қизил сув дарёси бўйларида эса меҳнат суроні авжида. Бу йил 400 минг сўмлик иш бажарилади. Келаси йилда яна 367 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилиб, иншоот қурилиши тугалланади.

Учрашувларда сайловчилар ижтимоий масалаларни ҳам ўткир қилиб қўйдилар. Айниқса «Тожикистон» давлат хўжалиги ишчилари қишлоқларда мактаблар қурилиши ниҳоятда қониқарсиз бораётганлигидан нолиб гапиришди. Давлат хўжалигидаги эски мактаб эса тўкилай деб турибди. Депутат сайловчиларнинг накази бўйича шу хўжаликда янги мактаб қурилишига кўмаклашишга ваъда берди. Имкониятлар ўрганиб чиқилгач, 1.176 ўринли мактаб қурилиши 1991—1993 йиллар режасига киритилди. «Узагростой» трести бош пудратчи этиб тайинланди. Трест қурувчилари бу ерда 1,4 миллион сўмлик иш бажарадилар.

Депутатнинг ташкилотчилиги билан қишлоқ хонадонларини ёппасига газлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Лекин қувурлар, газ тақсимлагичлар ва бошқа хил ускуналарнинг тақчиллиги панд бераяпти. Таъминотнинг ёмонлиги учун ҳам «Ғалаба», Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида, «Социализм», «Тожикистон» давлат хўжаликларида газлаштириш ишлари тўхтаб қолди. Шундай аҳволни бошқа районларда ҳам кўриш мумкин.

Яна бир муаммо устида тўхталмоқчиман. Районимизда аҳоли тобора зичлашиб бораяпти. Ёшларни иш билан таъминлаш қийинлашмоқда. Муаммони ҳал этиш учун Денов шаҳрида ва аҳоли зич жойларда трикотаж, тикувчилик фабрикалари, қушхона, қайта ишлаш корхоналари қуриш керак. Бу объектларни режага киритишда, молиялашда яна депутатимиздан ёрдам кутамиз.

Турсун ЭШНИЁЗОВ, партия, уруш ва меҳнат мўйсафиди:

— Аҳмад Кулоновни яхши танийман. Кўп йиллардан бери Денов районидаги «Тожикистон» давлат хўжалигида ишлаб келаяпти. Ўзи меҳнат мўйсафиди, 8 фарзанднинг отаси, қишлоқнинг ҳурматли кишиларидан.

Бир куни гапдан гап чиқиб «Чори мени куйдирди-да, шу болани деб бор-йўғимдан айрилдим. Олдига қатнашга энди мадорим ҳам, маблағим ҳам қолмади. Қани энди уни яқинроққа келтиришнинг иложи бўлса», — деб қолди.

Суриштириб билсам, Аҳмад аканинг ўғли Чори қилмишига яраша уч йилга қамалиб, жазо муддатини Волгоград вилоятида ўтаётган экан. Ҳарқалай, фарзанд-да, Аҳмад ака уни кўргани, ҳолидан хабар олгани йилда уч-тўрт марта олис йўл босиб Волгоградга қатнар экан.

— Тошкентга, депутатимизга мурожаат қилсангиз бўлмайдими, — дедим унга. — Солижон ака одамларнинг дардига тушунадиган инсон. Буни мен яхши биламан. Қўлидан келса, ёрдамини ҳеч кимдан аямайди.

Аҳмад ака ҳар томонини ўйлаб, охири депутатга хат билан мурожаат қилди. Кейин билсак, депутатимиз ССЖИ ички ишлар вазири В. В. Бакатинга сўров юборибди. Оддий ишчининг ночор аҳволини тушунтирибди. Депутатнинг расмий илтимосномаси асосида Чори Кулоновни Волгограддан жумҳуриятимиз ҳудудига кўчиришга қарор қилинибди. У жазонинг қолган қисмини шу ерда ўтайдиган бўлди. Буни эшитиб Аҳмад ака ҳам, келини ва икки набираси ҳам ғоят севинишди, депутатга раҳматлар айтишди.

Шу-шу округимиз сайловчилари бошларига бирор мушкул иш тушса, дарров Солижон акага мурожаат қилишади. У илтимосни ерда қолдирмайди. Жорий йилнинг ўзида 24 сайловчи турли хил масалалар бўйича депутатдан ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат этди. Бирорта хат ёки шикоят унинг эътиборидан четда қолмади.

Музаффар ҚАРШИЕВ, Олтинсой район ижроия комитети раисининг ўринбосари:

— Олтинсой фақат вилоятимизда эмас, балки бутун жумҳуриятда жауз, қоракўз, кишмиш, тоифи каби ширин-шакар узумлари билан машҳур. Боғларимизда етиштирилган ҳосилдан РСФСР-нинг ҳам кўпгина саноат марказлари аҳолиси баҳраманд бўлаяпти. Бу йил дўстлар дастурхонига салкам 30 минг тонна узум етказиб бердик. Ялпи йиғиштириб олинган ҳосил эса 60 минг тоннадан ошиб қолди.

Районимиз шароити боғдорчиликни ривожлантиришга жуда мос. Бундан буён боғ-роғлар яна ҳам кенгайиб бораверади. 1990 йилда 65 минг тонна ҳосил етиштириш мўлжалланаётган бўлса, яқин келажакда район йилига 100 минг тонна узум ва мева етиштириши режаластирилмоқда.

Ростини айтсак, биз учун узум етиштиришдан кўра уни вақтида истеъмолчиларга етказиб бериш қийин бўлаяпти. Чунки яшик йўқ. Уни Россия корхоналарида тайёрлатаяпмиз. Бу бизга жуда қимматга тушаяпти. Районнинг ўзида яшик заводи қуриш масаласини бир неча бор кўтардик. Лекин ҳеч ким дардимизга қулоқ солмади. Шундан сўнг ССЖИ халқ депутати С. Мамарасулов билан бўлган учрашувда бу масалани яна бир карра кескинроқ қилиб қўйиб, унга Олтинсойда турли ҳажмдаги яшиклар ишлаб чиқарувчи завод қуриш ҳақида наказ бердик.

Депутатимиз жумҳурият Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетига расмий хат билан мурожаат қилди. Лекин берилган дастлабки жавоб депутатимизни ҳам, бизни ҳам қониқтирмади. Унда Андижон вилоятидаги Киров номли деҳқончилик-саноат комбинатида йилига 9 миллион дона полиэтилен яшиклари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод қурилаётганлиги, ўн учинчи беш йиллик охирида эса Тошкент вилоятида ҳам шундай корхона қуриш мўлжалланаётганлиги айтилганди. Буларнинг ҳаммаси биз учун насия гап эди.

Шундан кейин депутатимиз узум, мева, цитрус етиштиришда Олтинсой, умуман Сурхондарё вилояти истиқболли минтақа эканлигини исботлаб, яна юқори ташкилотларга расмий хатлар йўллади. Комитет раҳбарлари билан учрашиб, олтинсойликлар илтимосини яхшилаб тушунтирди. Ниҳоят депутатлик сўровига комитет раисининг ўринбосари А. Скоробогатько имзоси билан ёзма жавоб олинди. Унда 1991—1993 йилларда Олтинсой районида яшик заводи қуриш кўзда тутилганлиги, бунинг учун 1,4 миллион сўм қидириб топилаётганлиги маълум қилинди. Агар шу режа амалга ошса, етиштирилаётган маҳсулотларни уринтирмай ташиб олиш имкони туғилади.

Депутат билан учрашувларда шунга ўхшаш яна 7 та наказ берилди. Ҳаммаси режа билан амалга оширилмоқда. Жумладан, районимизга темир йўл шохобчаси ўтказилмоқда. Район марказида қуриладиган 25 ишчи ўринли маиший хизмат корхонасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Хўжаликларни газлаштириш бўйича лойиҳалар тахт бўлди. Газ босимини пасайтирувчи иншоот қуриб битказилгач, хўжаликлар арзон ёнилғи билан таъминлана бошлайди.

Солижон Мамарасулов ССЖИ халқ депутати этиб сайланган 111-Денов сайлов округига 5 та район қарайди. Биз Қумқўрғон, Шўрчи, Сариосиё районларида ҳам бўлиб депутатнинг ташкилотчилиги, маҳаллий ҳокимиятнинг ёрдамида амалга оширилаётган яна кўпгина хайрли ишлари билан таниш-дик. Сайловчилар депутатнинг фаолиятидан мамнун бўлиб гапиришди. Унинг ёрдами билан ҳозир Қумқўрғонда гидромелиорация техникуми қурилишига тайёргарлик кўрилмоқда. Шўрчи шаҳрида канализация ва тозалаш иншоотлари барпо этилаяпти. Сариосиё районидаги «Коммунизм» давлат хўжалигида қуриладиган йирик иссиқхонанинг лойиҳаси чизилмоқда.

Ҳозир депутат сайловчилар билан навбатдаги учрашувга тайёрланмоқда. Мулоқот пайтида яна бир қатор наказлар тушиши аниқ. Чунки қайта қуриш жараёнида кўпгина муаммолар пайдо бўлаяпти. Уларни депутатлар ва сайловчилар фақат ҳамжиҳатликда ҳал этишлари мумкин.

Ж. НОСИРОВ.
Сурхондарё вилояти.

Бир пиёла чой баҳонда

Дам олиш саҳифаси

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттираётган Каттақўрғон райони пахтакорларига маданий-маиший, савдо ва тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Жумладан иккита автоклуб мавсум бошидан буён дала шийпонларини кезмоқда.

— Тажрибали таргиботчилар, бадиий ҳаваскорлик дасталарининг истеъдодли ижрочилари «Йиғилобод» давлат хўжалиги, Тельман номли, Энгельс номли, К. Маркс номли, Навоий номли жамоа хўжаликларида бўлдилар, — дейди район маданият бўлими мудири Муродилла Эсонов. — Айниқса Рўзимурод Нурназаров, Рафиқ Қутлиевнинг қизиқарли суҳбатлари, Баҳодир Баҳриддинов, Раим Дарвешов раҳбарлигидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва дастаси ҳонанда, созанда, раққосаларининг чиқишлари пахтакорларга жанзур бўлмоқда.

А. ҲОШИМОВ.

Ойнома

АҚРАБ

Ой кетидан ой ўтиб, ақраб ҳам етиб келди, айқириб, ҳаммани жўшқин меҳнатга чақириб.

Ақраб ўтган йилда кузги шудгордан бошланган деҳқончилик йилини хотималаб бериши билан эътиборга молик. Ҳар ким кемтигини батамом бутлаб олиши керак. Ҳамма гап унинг ҳар бир дақиқасидан фойдаланиб қолишда.

Бободеҳқон заҳматкашликни аслида олам ёритгичи — қуёшдан олган. Зеро, у ақраббга етиб келгунча не-не бурчларни босиб ўтмади. Чунончи, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула ортда қолди.

«Ақраб» арабча сўз, ўзбекчаси «чаён», тожикчаси «гаждум»дир. Яна мажозий маънода ҳам учрайди. Чунончи, Алишер Навоий мана бу байтида зулмкор амрифармон битувчи котиблар қалами учини ақраб-чаён нишига қиёслайди:

● Киликлари нуғи-ақрабиқиши,
Раият жонига ул ниш ташвиши!

Гулханий эса «Ақрабиши — ниш урмоқ» тарзида қўллаган.

Умуман фалакдаги юлдузларнинг ердаги жондорлар шаклига ўхшаш бўлиши ҳамон одамзодни ҳайратга соладики, бунинг қонуниятлари ҳамон кўпчиликка маълум эмас.

Хуллас, мезонда ҳосилнинг аксарият қисми йиғиб-териб олинган бўлса, ақрабда бари хирмонларга тушади. Сўнгра расамадли шудгору яхоб бериш, кузги дон-дуну сабзавот уруғларини экиш, кўчат ўтказиш каби юмушлар биринчи ўринга чиқади.

Об-ҳаво ақрабда пасая боради. Ёғин-сочинли кунлар келади. Ой давомида тунга яна бир соату 11 дақиқа қўшилади. Тун узунлиги 16 соатга етади.

● Йил бўйи сарф этган юрак қўримиз
Оқизмай-томизмай терар они бу!
Бир тола мисқолни ерда қолдирмай,
Кўкўпар тоғ қилиб уяр они бу!
● Дақиқани тежамаган — кунни бой берар,
Мисқолни тежамаган — ботмонни!

Айни кун даъватлари:

● Ер ҳайдасанг, куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг юз ҳайда!
⊙ Расамадли шудгор — бир тараф,
Расамадли яхоб — бир тараф!
⊙ Кузда ерин чуқур шудгор этинг,
Чок-чокидан ёриб, анбор этинг!

Мана бу байт Дурбекдан:

⊙ Ҳожат талаб айлана ҳасис эрдин,
Ҳосил тамаъ айлама шўр ердин.

Шундай қилиб:

⊙ Ақрабда жам бўлар ҳосилнинг бари,
Шундай қизиб кетар тўю кўпкари!
⊙ Бедов минган — кўпкарига киради,
Чин чавандоз — унда кўкрак кераді.

Фил дош беролмаганига деҳқону боғбон, чўпон чидаш беради. Улар ҳар гал азобини ўзига олиб, болдек ширин неъматларни элга тортиқ этадилар. Шунга яраша савобу олқиш олишади:

⊙ Минг толиқсин деҳқон толиқдим демас,
Ўз жони, танини аяшни билмас!

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

«Бобурнома» яратилганлигининг 460 йиллигига

БОБУР ВА КОБУЛ

Мусаввир М. ЖУРАЕВ.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек классик адабиётининг мўътабар намояндаси сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. Бобур ўзининг машаққатларга тўла ҳаёти давомида қилич билан бир қаторда қаламни ҳам ёнидан қўймади. Сиёсат бобида қилич билан улкан бобурийлар империясини тузган бўлса, ижодиётда бир қанча ва бизга номаълум бўлган асарлар ҳамда машҳур «Бобурнома» китоби тимсолида ўзига буюк ҳайкал қўйиб кетди.

Биз бугун Бобур ижодида катта ўрин тутган, уни қомусий илмлар соҳиби сифатида дунёга танитган машҳур асари «Бобурнома» тўғрисида, тўғрироғи, шу асар асосида Бобурнинг Кобул вилоятида кечган ҳаёти ва фаолияти тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Чунки, Бобурнинг Кобул вилоятида кечган ҳаёти унинг тақдирида катта роль ўйнаган.

Тўққиз юз тўққизинчи ҳижрий (1503—1504 милодий) йилининг муҳаррам ойи (августсентябрь) узоқ вақт Фарғона билан Мовароуннаҳр вилоятлари ўртасида сарсон-саргардон бўлиб юрган Бобур охири бирон бир иш чиқариш, яъни Самарқанд тахтини қайтариб олиш мушкул эканлигига кўзи етгач, «...токай бу Фарғона вилоятида саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилойин деб», бу юртлардан бош олиб Хуросон томонларга Хисор тоғлари орқали ўтиб кетади. Бу вақтларда Бобур мирзо 23 ёшларда эди. У шундай ёзади, «Ушбу юртта йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзимга устара қўйдум». Бобурга бу машаққатли узоқ сафарда уч юзга яқин киши ҳамроҳ бўлади: «Ўлуғ-кичик мени умидворлик била ирашиб юрўйдурганлар икки юздин кўпрак, уч юздин озроқ бўлғай эди».

Бу даврларга келиб ўзбек хони Шайбонийхон Мавороуннаҳр ва Фарғона вилоятларини эгаллаб, Хуросон томонларга ҳам ҳужум қилиш ҳавфини солиб турар эди. Хуросон вилоятларини ҳали ўз тасарруфида тутиб турган темурий шаҳзодалар ўзаро низолар ичида ғарқ бўлиб, юртни бошқаришга ночор қолиб, айш-ишрат ботқоғига ботиб, тарқоқлашиб қолгандилар. Айни шу чоғда Бобур мирзонинг Хуросон вилояти сарҳадларига қадам босиши унинг учун қутлуғ бўлди. У тез орада бирин-кетин вилоят ва кентларни қўлга киритиб, босиб ола бошлади. Бу вилоят ва кентларнинг эл-аҳли Бобур навкарларига қаршилик кўрсатишдан ожиз эдилар. Бобур олиб борган сиёсати қаршилик кўрсатган элни босиб қўярди. Бобур Кобул атрофини қўлга киритиш воқеаларини тасвирлаб шундай ёзади: «Охир Сейдим Али дарбоннинг бир ўбдон навкари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун эшикка келтируб таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар».

Бобур кези келганда қилич, баъзан эса сиёсат билан шаҳар-қўрғонларни бирин-кетин босиб олиб, ниҳоят Кобул шаҳрини жангу жадалсиз тўққиз юз тўққизинчи ҳижрий (1503—1504 йил милодий) йили рабиулаввал (октябрь-ноябрь) ойининг охирларида қўлга киритди.

«Бобурнома» асарида тасвирлашича, у ўзининг йигирма йиллик ҳаётини (1504—1524 йиллар) шу Кобул вилояти сарҳадларида ўтказади. У ўз асарида Кобул ва унинг тарихи, жуғрофий жойлашиш ўрни, халқи ва бошқа хусусиятларининг баёнига катта эътибор беради. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Бобур Кобул вилоятида ўз умрининг энг яхши, гўзал, йигитлик даврини ўтказади. Бу вилоят воқеанависга кўп жиҳатдан маъқул тушган эди. Сарсон-саргардонликдан тинкаси қуриган Бобур шу Кобул ўлкасидан, айтиш мумкинки, бир умрга «қўним» топди.

У Кобулни тасвирлаб ёзар экан, биринчи навбатда унинг жуғрофий жойлашиш ўрнига тўхталади: «Кобул вилояти тўртинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг ўртасида тушубтур. Шарқи Ламғонот ва Пуршовар ва Ҳашанғар ва баъзи Ҳинд вилоятидур...».

Бобур асарда тасвирлаган Кобул вилояти ҳозирги Афғонистон жумҳуриятининг сарҳадларини ўз ичига олади. У тоғлар ўлкаси. Бобур Кобул вилоятини тасвирлаб, унинг тоғлари, шу тоғлардан оқиб тушадиган дарёлари, дарёлардан ҳосил бўлган қўллари, боғроғлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, парандаю дарандалари тўғрисида батафсил маълумотлар келтиради. Шу билан бир қаторда вилоят сарҳадларида яшайдиган элатлар ва миллатлар, уларнинг тиллари тўғрисида баён қилади. Бобурнинг ёзишича, Кобулда ўн бир-ўн икки тилда гапиришган. Булар араб, форс, турк, мўғул, ҳинд, афғон (пушту), пашойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний тилларидир. Унинг шаҳодат беришича, бошқа ҳеч бир вилоятда бунчалик хилма-хил эл ва тилни кўрмаган.

Кобул Бобур яшаган замонларда катта вилоятлардан бири ҳисобланган. Бу ўн тўрт тумандан (туман—ўн минг) иборат бўлиб, воқеанавис бу туманларнинг ҳаммасини алоҳида-алоҳида шарҳлаб, тасвирлаб беради. Булар Нингнаҳор ёки Нагарҳор, Алингор, Кунор, Нургил, Нижров, Панжҳир, Гурбанд, Лаҳугар, Зурмат, Фармул, Бангаш, Ғазни, Чағансарой туманларидир.

Бобур жуда синчков, диққат-эътиборли киши бўлган, албатта. Чунки ўз асарида воқеаларни, жойларни, табиатни, ҳайвонлар ва бошқа барча-барча нарсаларни шунчалик синчковлик билан тасвирлаганки, ҳеч бир нарса унинг эътиборидан четда қолмаган. У асарда шунга ўхшаш савдо-сотиқ, яъни савдо ишлари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Кобул ва Қандаҳор шаҳарларида савдо йўлида жойлашган бўлиб, бу нарса Қошғар, Фарғона, Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Балх, Хисор ва Бадахшондан савдо карвонларининг Кобул вилоятига келиши ва савдо-сотиқ ишларини авж олишига имконият яратганлиги тўғрисида ҳам у ўз асарида хабар беради.

Бобур Кобул вилоятини қўлга киритгандан сўнг бу ернинг равнақи, гуллаб-яшнаши учун, элининг тинч-осойишта яшаши учун кўп эзгу ишларни амалга оширди. Янги-янги қўрғонлар, боғлар бунёд қилдирди, ариқлар қаздириб, суғориш ишларини йўлга қўйди. Кейинчалик, гарчи у катта империя тузиб, ўзи Ҳиндистон сарҳадида яшаб, юрт сўраган бўлса-да, Кобулга ва элига бўлган муҳаббати бир умр унинг қалбида қолди. У бу муҳаббатни ўзининг шоҳона асари «Бобурнома»га жо қилиб, Кобул вилояти ва унинг халқини тилларда достон қилди. Ўз навбатида фарзандидай ардоқлаган эл уни бир умр қалбига, Кобул замини эса абадий бағрига олди.

Одилжон БЕГИМОВ,
Қарши давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

ГУЛЛАР ҚЎШИҒИ

ЛОЛА

Мен лоламан, лоламан,
Ол кўйлакли боламан.
Адирларни тўлдириб,
Гулхан каби ёнаман.
Бевақт узсанг бандимдан
Тезда сўлиб қоламан.
Сездирмай аста-аста
Қўнғироғим чаламан.

ПЕЧАКГУЛ

Экиб, қараб турсангиз,
Тезда ўсиб кетаман.
Агар қўйиб берсангиз,
Осмонга ҳам етаман.

НИЛУФАР

Сувда илдиз отаман,
Яшил япроқ тўшагим.
Мафтун қилур ҳаммани
Менинг оппоқ кўйлагим.
Сувдан бошим чиқариб,
Кеча-кундуз кулармаи.
Бир-биридан чиройли
Қизларга ном бўларман.

КАРТОШКАГУЛ

Картошкам бор-у лекин,
Овқатга солиб бўлмас.
Эксангиз бас, унаман,
Гулларим тезда сўлмас.
Яхши қараб турсалар,
Кўпайиб ҳам кетаман.
Келаверинг, болалар,
Гулхонада кутаман.

ҒЎЗА ГУЛИ

Саратонда очилиб,
Пишаман куз келганда.
Сўнг ҳаммани ишлатиб,
Кетишим бор поездда.

Мухлис ЖЎРАБОЕВ.
Олтиариқ райони.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

НЕССИНИ ИЗЛАБ

Несси тўғрисидаги афсона одамларни ҳамон ҳаяжонга солмоқда. Шотландияга бошқа мамлакатлардан ҳар йили икки миллионга яқин киши келиб, Лох-Несс кўли билан танишмоқда.

Яқинда бу ерга ўнлаб изотопларг ташриф буюрдилар. «Уильям Хилл лимитед» компаниясининг бу жониворни уч кун мобайнида кўрган киши баҳоси 250 минг фунт стерлинг турадиган соврин билан мукофотланиши эълон қилингани улар учун рағбат бўлди.

Аммо Нессини излаш ҳеч қандай натижа бермаяпти.

ПИВОГА... ГРАНАТА БИЛАН

Комсомольск-Амур шаҳридаги пиво заводига кечаси соат 2 да граната билан кирган ўғри қўлидаги бидонни ичимликка тўлдиргунга қадар қоровуллар милицияни чақиридилар. Тезда бу ерга етиб келган милиция гуруҳи уни ушлади. Улар беҳуда ҳаракатларнинг эканлар, ўғри ёнидан тўппонча чиқди.

Кўп ўтмай ўғриликнинг иккинчи иштирокчиси ҳам қўлга тушди. У «Пиво олиб келса, мазза қилиб ичаман» деб, қўлига стакан тутган ҳолда завод яқинида шеригини кутиб турган экан...

Спорт ахбороти

ФУТБОЛ

Иккинчи лиганинг шарқий минтақасида навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ўн матчда дарвозаларга 23 та тўп киритилди. Шулардан 14 таси майдон эгалари, 9 таси меҳмонлар ҳисобига ёзилди. Олти учрашувда мезбонлар ғалаба қозондилар. Икки ўйин меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Икки учрашувда кучлар тенг келиб, рақиблар очкони бўлишиб олдилар.

Ўйинлар жадвалида карвонбошилик қилаётган «Нефтяник» командаси сафарда муҳим ғалабага эришди. Фарғоналик футболчилар Жиззахда маҳаллий «Сўғдиёна» коллективи билан учрашиб, 3:2 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Иккинчи ўринда бораётган «Океан» командаси ўтган турда бир очко йўқотди. Находкалик футболчилар Термизда «Сурхон» командасининг меҳмони бўлдилар. Қизиқарли ўтган учрашув 1:1 ҳисобида тугади.

«Навбаҳор» ҳам мухлисларини хушнуд этди. Наманганлик футболчилар Целиноградниг «Целинник» коллективни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Спартак» (Андижон) — «Экибастузчи» (Экибастуз) — 0:0, «Олга» (Фрунзе) — «Трактор» (Павлодар) — 0:1, «Химик» (Жамбул) — «Динамо» (Барнаул) 1:0, «Вахш» (Кўрғонтепа) — «Амур» (Благовешченск) — 3:2, «Мелиоратор» (Чимкент) — «Автомобилист» (Қўқон) — 2:0, «Копетдоғ» (Ашхобод) — «Шахтёр» (Қарағанда) — 1:0, «Зарафшон» (Навоий) — «Қайсар» (Қизил Ўрда) — 2:1.

Командалар яна тўрт турдан сўнг мавсумни якунлашади. Ҳозирча биринчи лигага йўлланма берувчи икки йўлланма учун Фарғонанинг «Нефтяник» ва Находканинг «Океан» командалари асосий даъвогар бўлиб турибдилар.

РЕГБИ

Олий лига иштирокчилари мамлакат биринчилигини ниҳоясига етказдилар. Кучлилар сафида республикамиз шарафини ҳимоя қилган Тошкентнинг «Звезда» коллективи мавсумни ўнинчи ўрин билан якунлади. Вакилларимиз охирги турда Красноярскнинг «Сибтяжмаш» спортчиларини 34:10 ҳисобида енгдилар.

Охирги турдаги бошқа ўйинлар натижалари: «Элмавали» — «Локомотив» — 22:7, «Айя» — «Слава» — 12:10, ҲҲА — «Луч» — 41:7, «Фили» — «Политехтик» — 15:4.

ТЕННИС

Фарғонада стол тенниси бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси ниҳоясига етди. Нуфузли бу турнирда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган спортчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Таъкидлаш жоизки, мусобақа давомида пойтахт вилояти Коммунистик райониндаги «Правда» жамоа хўжалиги вакили Саодат Пўлатова муваффақиятли қатнашди. Саодат 20 учрашувнинг фақат биттасида имконияти бой берди. Натижада Евгений Семёнович Кимнинг шогирди илк бор усталик талабини бажариб, кумуш медални қўлга киритди.

Жониворлар олами

ЧЎЛ ГЎЗАЛИ



Жайрон сут эмизувчиларнинг жуфт-туёқлилар туркумига мансуб бўлиб, ковушшохлилар оиласига киради. У оҳулар уруғининг бир тури. Жуда чиройли жонивор. Қадим замонлардан бери Шарқ шеъриятида гўзаллик рамзи сифатида тасвирланган. Оҳу-жайрон кўзлари, қадди-қомати кишини мафтун этади.

Эркак жайронларнинг оғирлиги 24—33 килограмм, урғочилари эса 24-29 килограммга етади. Оёқлари узун ва ингичка, елкасининг икки ён томони ёзда сариғиш-кулранг, қорин томони оқ, қишда эса очроқ. Думи бошқа оҳуларникига нисбатан узун ва учи қора, Шунинг учун ҳам унга қора-қуйруқ деб ҳам ном берилган. Эркакларида 35—40 сантиметрли шохи бор. Урғочиларида у йўқ.

Жайрон Жанубий Қозоғистонда, Ўрта Осиё текисликларида, Каспий денгизи соҳилларидан тортиб Зайсан кўлигача, Кичик Осиё, Сурия, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва Ғарбий Монголияда тарқалган чўл ҳайвонидир.

ССЖИда Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Узбекистон жумҳуриятларида учрайди. Ўтган асрда ва ҳозирги асримиз биринчи ярмида уни Узбекистон текисликларида, Устюрт, Қизилқум, Мирзачўл ва Далварзинда, Фарғона водийсининг тоғ этакларида, Қарши дашти ва Сурхондарё водийсида кўплаб кўриш мумкин эди. Ҳозирги вақтда жайрон фақат Сурхондарё воҳасида, Қарши дашти тоғ этакларидагина сақланиб қолган. Улар хавф-хатардан қутилиш учун яшашга қулай текисликларни тарк этиб, дарахлар ва адирларнинг ўсимликларга бой ерларига кўчган. Қизилқум ва Устюртда шўра ўсадиган, баъзан қумли, шунингдек тоғ этакларидаги гил тупроқли жойларда яшайди.

Жайронлар жазирама ёзда эрталаб ва кечқурун, баъзан кечаси ўтлайди. Кундузи қумтепаликларнинг соя тушадиган томонларида ёки саксовуллар ва буталар қўланкасида дам олади.

Жайрон баҳорда ғаллагул, қўнғирбош ва бошқа турли серсув ўтлар билан озиқланади. Ёзда ўт қовжираб кетганда ғаллагуллиларнинг қуригинини, шувоқ, шўра, қўйруқ, кийик ўт, эрмон, буюргун, янтоқ каби ўсимликларни еб, кун кечиради. Қишда эса чўллардаги буталар, саксовул, қандим, қумда ўсадиган қўнсуякларнинг меваси, барги ва новдаларини истеъмол қилади.

Дарвоқе, бу озуқалар қор, ёмғир ёққанда, шунингдек шудринг тушгандан кейин айниқса ширали ва тўйимли бўлади. Жайронлар баҳорда серсув ўт билан овқатланганида узоқ вақт сувсизликка чидайди. Ёзда ўт қовжираб қолгандан сўнг, ўн чақиримлаб йўл босиб, 10—20 тадан турнақатор бўлиб сув ичгани боришади. Қош қорайгач, ҳавзалар бўйида туни билан ором олиб ётишади. Сув тополмай қолганларида шўр сувни ҳам ичаверишади.

Жайронлар пода бўлиб яшайди. Урчиш вақтида ҳар бир подада 2—12 тадан жайрон бўлади, шундан биттаси эркакдир. Одатда у катта болаларини онасидан ажратиб, ҳайдаб юборади.

Жайрон кеч кузда урчийди. Ҳаво яхши келса, апрель охири — майнинг биринчи ярмида бир-иккитадан бола туғади. Урғочиси бунинг учун пана жой излайди. Болалари одатда жуда заиф туғилади. Шу сабабдан яширинган еридан чиқмайди, бир ҳафтадан кейин кучли ва сезгир бўлиб қолади. Бир ой ўтгач, ўт еяди, 7—8 ойда жуссаси ота-онаси билан тенглашади.

Жайроннинг гўшти жуда тотли. Шу сабабдан кўплаб ов қилинаверганлиги учун сони кескин камайиб кетди. Асримиз ўрталарига қадар ҳамма чўлларимизда сон-саноқсиз бўлган жайронлар эндиликда ССЖИ «Қизил китоб»ига ва Узбекистон «Қизил китоби»га киритилган. Туёғини кўпайтириш мақсадида улар масканини қўриқлаш тадбирлари кўрилмоқда.

1977 йили Бухоро шаҳридан 40 километр жануби-шарқда «Қоровулбозор» совхози еридан 5500 гектар ажратилиб, жайронлар парваришхонаси ташкил этилди. Унинг атрофи 41 километр узунликда симтўр билан ўралди ва жониворларнинг яшаши учун шароит яратилди. Озуқа мўл, сув эса етарли, парваришхона ҳудудида иккита кўл бор. Бу ерда илмий иш олиб бориш учун ҳам имконият етарли. Малакали мутахассислар бор.

Уша йили қўйиб юборилган 42 бош жайрон қонунга хилоф равишда ушлаб, уйларида боқаётган ҳаваскорлардан олинганди. Жониворлар янги шароитга тез мослашди. Бир йил ўтгач, улар болалади. 1989 йил 8 октябрдаги ҳисобкитобга кўра, жайронлар сони 1200 бошдан ошганлиги маълум бўлди. Ҳозирги пайтда парваришхона ўз маҳсулотини ҳайвонот боғларига, Туркманистон, Болтиқбўйи жумҳуриятларига сотмоқда.

Табиатда жайронларнинг кушандалари жуда кўп. Айниқса, ёш болалари учун бўри, тулки, ёввойи мушуклар хавфли. Ҳатто уларга йиртқич қушлар ҳам ҳужум қилади. Энг хавфли душмани тартиббузарлардир.

Бухоро жайронлар парваришхонаси уларни тутқунликда ўрганиш ва илмий асосда кўпайтириш билан шуғулланувчи иттифоқимиздаги етакчи хўжаликдир. Бу ерда келгусида бошқа ноёб ҳайвонларни сақлаб кўпайтириш учун тажриба тўплаш кўзда тутилаётир. Шу мақсадда Тошкент ҳайвонот боғидан иккита Бухоро буғуси келтирилиб, қўйиб юборилган эди. Ҳозир бешта бўлди. Борсакелмасдан иккита сайғоқ олиб келинган эди. Улар ўн бошга етди. Борсакелмас кўриқхонасидан келтирилган беш кулон эса ҳозир ўттизта атрофида. Москва ҳайвонот боғидан бир жуфт қоплон олиб келиб, қафасда боқилмоқда. Мазкур ҳайвонот боғи ходимлари иккита Прежевальск отини парваришхонага совға қилдилар.

Қисқаси, Бухоро жайронлар парваришхонаси ноёб ёввойи ҳайвонлар кўпайтириладиган тажриба масканига айланмоқда.

Қ. АЛЛАБЕРГАНОВ,
Узбекистон ССЖ Фанлар академиясининг зоология ва паразитология институти илмий ходими.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЁҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1280. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12